

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.1**

ЭРКИНОВА НИЛУФАР ФАХРИДДИН ҚИЗИ

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ
НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

Мутахассислик: 5A230902-Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. А.Жўраев

ТОШКЕНТ-2017

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида
бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.д., профессор Жўраев А.

Кафедра мудири

и.ф.д., профессор Туйчиев А.

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Ортиқов У.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Ички аудит хизматининг моҳияти, мақсади ва вазифалари	8
1.2. Акциядорлик жамиятларида ички аудит текширувларини ўтказиш ва натижаларни умумлаштиришнинг аҳамияти ва зарурлиги.....	21
1-боб бўйича хулоса	31
II БОБ. ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ	33
2.1. Ички аудитни ўтказишда қўлланиладиган усуллар тавсифи.....	33
2.2. Ички аудит текшируви бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш тартиби.....	45
2.3. Ички аудит натижаларини умумлаштириш ва ҳисоботни тузиш тартиби.....	50
2-боб бўйича хулоса	58
III БОБ. ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	59
3.1. Халқаро талаблар асосида ички аудитни ўтказиш жараёнини такомиллаштириш.....	59
3.2. Ички аудитнинг йиғма ҳисоботида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш йўналишлари.....	65
3-боб бўйича хулоса	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77
ИЛОВАЛАР	83

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш мамлакат молия тизими барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки акциядорлик жамиятлари молияси давлат бюджети даромадларининг асосий қисми шаклланишида, уй хўжаликларининг доимий даромад манбасига эга бўлишларида, ташқи савдо муносабатларида, молия-кредит муассасаларининг барқарор ишлашида ўзига хос воситачи вазифасини ўтайди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларга хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида республикамиз раҳбарияти томонидан кенг имтиёзлар берилган. Аммо бу борада талайгина муаммолар учраб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: ““Ноль” қиймати бўйича 1 минг 27 та объект сотилган. Албатта, бу яхши, бироқ нима учун уларнинг кўпчилиги, баъзиларини ҳисобга олмаганда, ишга туширилмаган ва вайрона ҳолида ётибди? Биз уларнинг ўрнига нимани ташкил этдик, қандай қувватлар ва ишлаб чиқаришлар барпо этилди, қанча одам иш билан банд? Нима учун сотилиши лозим бўлган 119 та акциядорлик жамиятидан фақат ярмининг 15 фоизлик улуши хорижий инвесторларга сотилган?”¹

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш ва мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам ўз аксини топган. Мазкур

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б. 37-бет.

Фармоннинг 2017-2021 йилларда “�збекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” номли 1-илоvasида “корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш”² вазифаси белгилаб берилди.

Демак, мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш устувор вазифадир. Корпоратив бошқарув ҳақида гап кетганида унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ички аудит хизматига ҳам катта эътибор қаратиш даркор.

Маълумки, ички аудит хизмати акциядорлик жамиятлари учун иқтисодий самара бериш билан бирга мулкдорларни манфаатини ҳам ҳимоя қилади. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши ва унинг таҳлили, ҳисоб юритиш сиёсати, мақсадга мувофиқ бошқарувнинг тўғри ва ишонarli олиб борилишини таъминлаш ички аудит хизматининг асосий мақсади ҳисобланади. Бироқ ички аудитни ўтказиш ва натижаларни умумлаштиришнинг ҳозирги кундаги ҳолати унга қўйилаётган талаблар даражасида эмаслиги сезилиб қолмоқда. Бу борада ички аудитни натижаларини умумлаштириш жараёнини такомиллаштиришни бозор муносабатлари талабларига мослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқурроқ тадқиқ этиш ва ундан ички аудит хизмати фаолияти билан боғлиқ бўлган жиҳатларни ўрганиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш лозим.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти қилиб, «Nazorat audit» аудиторлик ташкилоти ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ички

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 3.4-банд. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

аудит хизмати маълумотлари олинди. Тадқиқот предмети бўлиб ички аудитни ўтказиш ва натижаларни умумлаштиришнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади ички аудит натижаларини умумлаштириш жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ишни бажаришда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- ички аудит хизматининг моҳиятини баён қилиш;
- акциядорлик жамиятларида ички аудит текширувларини ўтказишнинг аҳамияти ва зарурлигини асослаб бериш;
- ички аудитни ўтказишда қўлланиладиган усулларни баён қилиш;
- ички аудит натижаларини умумлаштириш ва ҳисоботни тузиш тартибини ёритиб бериш;
- халқаро талаблар асосида ички аудитни ўтказиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ички аудит хизмати ишининг самарадорлигини баҳолаш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- ички аудит хизматининг моҳияти баён қилинди;
- акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида ички аудитнинг ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- ички аудитни ўтказишда қўлланиладиган усуллар баён қилинди;
- ички аудит натижаларини умумлаштириш ва ҳисоботни тузиш тартиби ёритиб берилди;
- ички аудит хизмати ҳисоботларида акс этириладиган ахборотлар таркиби ишлаб чиқилди;

- ички аудит хизматининг фаолиятини кенгайтиришда кўрсатиладиган кўшимча хизматлар тавсия этилди;

- халқаро талаблар асосида ички аудитни ўтказиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари қуйидагилардир:

- акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришда ички аудит хизматини ривожлантириш муҳим ўрин тутди;

- ички аудит текширувларида халқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланиши тадқиқот мавзусининг услубиятини очиб беради;

- аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторлик ташкилотлари ички стандартларидан фойдаланиш тартибини ўрганиш мақсадга мувофиқдир;

- акциядорлик жамиятлари фаолиятида ички аудит хизматини тўғри ташкил қилиш аудит иши сифатини янада ривожлантириш имкониятларини очиб бериш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Акциядорлик жамиятлари ички аудит хизматини ташкил қилиш масалалари қуйидаги адабиётларда ўз аксини топган

- Андреев В.Д. Внутренний аудит. –Учебник.– М.: «Финансы и статистика», 2003.;

- Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Монография. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016.–208 б.

- Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: Монография. –Т.: Молия. 2007. -276 б.

- Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни

такомиллаштириш. Монография. –Т.: Молия. 2015. -232 б.

- Karimov A.A., Islomov F.R., Avloqulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik. –Т. “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. -380 б.

- Qo‘ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I. Ichki audit. O‘quv qo‘llanma-Т.: «Iqtisod-moliya», 2015. – 220 б.

Аммо акциядорлик жамиятларида ички аудит натижаларини умумлаштириш масалалари мазкур адабиётларда тўлиқроқ ёритилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубиётнинг тавсифи. Тадқиқот масалалари бўйича шахсий календар иш режаси тузилиб, унга кўра қуйидаги изланишлар олиб борилди:

- тадқиқот учун зарур бўлган усул ва йўналишлар рўйхати тузилди ва ўрганиб чиқилди ҳамда тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинди;

- илмий-тадқиқот муаммоси шакллантирилди ва тавсифланди;

- тадқиқот жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган саволлар тузилди;

- тадқиқот долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятга эгаллиги асосланди.

Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар акциядорлик жамиятларида ички аудит натижаларини умумлаштириш жараёнини такомиллаштиришга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан акциядорлик жамиятларида ички аудит натижаларини умумлаштириш жараёнини такомиллаштириш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ички аудит хизматининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар мустақиллик йилларидан бошлаб жадал суратда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш йўлини танлади ва ўз йўлида давом этмоқда. Республикада истиқлолга эришгач эски маъмурий – буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш иқтисодиётимизни босқичма – босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш асосий мақсадимиз бўлиб ҳисобланади. Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу реал сектор корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.³

Аудиторлик фаолияти мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб фаолият юритиб келмоқда ва бугунги кунда йирик корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб, уларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Маълумки, аудиторлик фаолиятини амалга оширишда аудитнинг мақсади ва вазифалари, мажбуриятлари ва объектлари ҳар хил эканлигини инобатга олган ҳолда, улар ташқи ва ички аудит хизматига бўлинган. Ташқи ва ички

³ Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимизтараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент – “Ўзбекистон” -2010. 65-бет.

аудит хизмати ташкил этилиши услубиятига кўра ўхшаш бўлсада, улар ўртасидаги фарк, уларнинг амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий шаклларида намоён бўлади. Аммо аудиторлар ўз фаолиятида кўп жиҳатдан ички аудит натижаларига таянади. Ташқи аудит билан ички аудитнинг тавсиф жиҳатдан фарқли жиҳатларини мазкур жадвалда кўришимиз мумкин.

1- жадвал


Ташқи ва ички аудитнинг тавсиф жиҳатдан фарқланиши⁴

№	Фарқ қилувчи белгилар	Ички аудит	Ташқи аудит
1.	Мақсади бўйича	Корхона раҳбарияти томонидан белгиланади	Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш ва амалдаги қонунчиликка риоя этилаётганлигини тасдиқлаш
2.	Қўйилган вазифаларига кўра	Корхона бўлимлари ёки умуман корxonанинг талабига кўра корхона кенгаши ва бошқарувчиси томонидан белгиланади	Мустақил томонлар ўртасидаги шартномага асосан: корхона ва аудиторлик фирмаси
3.	Жавобгарлиги бўйича	Мажбуриятни бажарганлиги учун раҳбарият олдида	Мижоз ва ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган учунчи шахслар олдида
4.	Объекти бўйича	Бошқарувнинг алоҳида функционал масалаларини ечиш, корxonанинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва текшириш	Корxonанинг ҳисоб тизимини ва молиявий ҳисоботларини текшириш
5.	Субъекти бўйича	Корхона раҳбариятига бўйсунувчи ва штат таркибидаги ходимлар	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахс
6.	Ҳуқуқий жиҳатлари бўйича	Мустақил белгиланади (ёки корxonаларда ички аудит ўтказиш тўғрисидаги Низом)	Умумқабул қилинган аудиторлик стандартлари билан белгиланади
7.	Фаолият тури бўйича	Ижро фаолияти	Тадбиркорлик фаолияти
8.	Ўзаро муносабат бўйича	Корхона раҳбариятига бўйсунуши ва ундан мустақиллиги	Тенг ҳуқуқли шерикчилик, мустақиллик
9.	Хизматлар учун ҳақ тўлаш принципларига кўра	Штатжадвалига асосан иш ҳақи	Ҳақни мижоз – корхона ёки унинг розилигига кўра аудиторлик хулосасини олишга эҳтиёжи бўлган орган тўлайди
10.	Ҳисобот тақдим этилиши бўйича	Корхона эгаси ва бошқарув органига	Аудиторлик ташкилотининг якуний қисми нашр эттирилиши мумкин, тахлилий қисми мижозга топширилади
11.	Услубий жиҳатдан	Услубий жиҳатдан бир хил, аммо қўйилган мақсадлар хилма – хиллигидан келиб чиқиб ҳар хил нисбатларда қўлланилади	

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ички аудит хизмати ҳам аудиторлик фаолиятининг бир қисми бўлиб, унинг фаолият юритиши ташқи аудиторлик фаолиятидан бир қанча фарк қилади. Ички аудит хизмати айнан акциядорлик жамиятларида фаолият юритиши қимматли қоғозлар бозорининг ҳам ривожланишига асос бўлади. Умуман олганда ички аудиторлар ўзлари ишлайдиган корхоналар фаолиятини текширади. Улар қоидага кўра, корхонанинг кузатув кенгаши таркибига кирадилар.

Амалий фаолиятда ички аудиторлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, шунингдек, таъсис хужжатлари, корхоналар бўйича буйруқлар ва лавозим йўриқномаларига амал қилиши лозим. Ички аудитни ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. Ички аудит тизимини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар⁵.

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ички аудитнинг самарали тизимини ташкил қилиш анча мураккаб вазифа. Бу қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- Молиявий-хўжалик циклининг назорат талаб қиладиган таркибий қисмларининг улкан миқдори (харид, сотиш, ишлаб чиқариш ва бошқалар);
- аудиторларга юқори касбий ва ахлоқий талаблар (уларнинг малакаси камида фаолияти текширилаётган шахслар малакасига мутаносиб бўлиши лозим).

Йирик ва ўрта корхоналарда ички аудитни ташкил қилишга туртки сифатида қуйидагилар хизмат қилади:

- қонунчилик тизими мураккаблашуви;
- молиявий вазиятларни бошқаришга интилиш;
- корхонанинг ўзи ва унинг тузилмавий бўлинмалари фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш;
- ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назорат;
- мажбуриятларни бажариш;
- ҳисоб тизимини оптималлаштириш.

Ички ишлаб чиқариш аудитини ташкил қилиш давлат томонидан қонунчилик асосида тартибга солинадиган масалалар сирасига киритилмайди. Бу корхонанинг ўзига тааллуқли ҳуқуқ ҳисобланади. Шунга қарамай, унинг фаолияти самарадорлигига нафақат иқтисодий субъект активлари сақланганлиги, балки корхонанинг иш қобилияти ҳам боғлиқ бўлади. Ички аудит бошқарув тизимини такомиллаштириш йўлларини кўрсатади.

Ғарб мамлакатларда ички аудит хизмати иккинчи жаҳон урушидан кейин молиявий операциялар ҳажмининг ўсишига жавобан юзага келган. 1941 йилда АҚШда ички аудиторларнинг институти ташкил қилинган (Ички аудиторларнинг профессионал ассоциацияси). Ушбу институт ўз олдида ички аудиторлик касбини ривожлантириш, оммалаштириш ва профессионал фаолиятнинг стандартларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйган. У ҳеч қанча

вақт ўтмасдан «Тараққиётга ҳамкорлик орқали эришилади» деган шиорни ишлаб чиққан. Ушбу институт фаолияти қуйидагилар негизида қурилган:

- А) ички аудиторларнинг умумқасбий билимлари;
- Б) профессионалликни услуксиз ривожлантириш дастури;
- В) иқтисодий кодекс;
- Г) профессионал меъёрлар;
- Д) сертификациялаш дастури.

Ички аудиторлар институти ички аудиторларнинг профессионал оламида юқори обрўга эга. Унинг дунё бўйича 100 дан ортиқ мамлакатларда ишлайдиган аъзолари бор. Институтнинг АҚШдаги бўлимларидан ташқари Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Исроил, Япония, Малайзия, Янги Зеландия, ЖАР, Англия ва Шимолий Ирландия каби кўплаб мамлакатларда миллий институтлари мавжуд.⁶

Йирик ташкилотларда яъни акциядорлик жамиятларида ички аудитга эҳтиёж юқори. Раҳбарият қуйи бошқарув тизими ва ташкилот фаолиятининг кундалик назорати билан шуғулланмайди. Ички аудит эса ушбу фаолият тўғрисида маълумот беради ҳамда менежерлар ҳисоботининг ишончилигини таъминлайди. Ички аудит аввало ресурслар нобудгарчилигининг олдини олиш ва корхона учун зарур бўлган ички ўзгаришларни амалга ошириш учун керак.

Дунёда ички аудитга бўлган қизиқиш бир қатор омиллар билан асосланади.

Биринчидан, ички аудит фаолияти билан бугунги кунда фойдаланиш имконияти белгиланган. Шунингдек, етарлича баҳоланмаган манбалардан бири ҳисобланиб, унинг тўғри ишлатилиши корхона самарадорлигини ошириши мумкин.

Иккинчидан, АҚШ ва Ғарбий Европадаги бир қатор йирик корпоратив бошқарувдаги корхоналар ташқи аудит фаолияти бўйича жиддий

⁶ Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 186 - бет.

камчиликларга эга эканлиги, унинг натижасида хатто энг йирик фирмаларнинг ҳам банкротлик ҳолатлари кузатилган.

Учинчидан, компанияда яхши корпоратив бошқарувнинг, унинг ажралмас бўғини сифатида ички аудитнинг мавжудлиги, инвестор ва кредитор учун ижобий белги бўлиб, компаниянинг инвестициясини ўзига жалб этиш имкониятини оширади.

Авваламбор, бунга хусусий мулк эгалари ва менежментнинг компаниядаги активларининг салмоқли равишда тежалишига олиб келадиган бизнес жараённинг тизимини бошқариш ва ташкил этишни тартибга солиш хошиши ҳам керак бўлади.

Бундан ташқари, ички аудитнинг мавжудлиги хусусий мулк бошқарувчилари учун зарурдир. Сабаби, улар фирмадаги иш юритувидан бевосита узоқлашадилар, бошқарув функцияларини профессионал менежерлар кўлига беришади. Ва охир оқибат капиталнинг халқаро бозорларга қисқа ёки ўртача муддатларда чиқиш режаларини яратиш зарурлигини уқтиради. Хусусан, энг катта фонд биржаларининг қонун-қоидалари компанияда ички аудитнинг мавжудлиги талаб этилади ва уларни қимматли қоғозлар бозорига чиқиш учун зарур бўлиб, уларга шарт шароит яратиб беради.

Хусусан, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475 сон «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида йирик корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг молиявий хўжалик фаолиятини, бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ўз вақтида ва меъёрий

хужжатлар асосида юритилишида, ички назоратни кучайишига, корхонанинг банкротлик ҳолатидан қутқаришга хизмат қилади.

Корхоналарда ички аудит хизматини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215 сонли Қарорига 2-илова “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилган бўлиб, унда умумий қоидалар, ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари, ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар, ички аудит хизматининг мустақиллиги ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар, ички аудит хизматининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Унга кўра;

Ички аудит деб корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига; таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишни тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларининг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти.⁷

Ички аудит хизмати - корхона Кузатувчи кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси.

Ички аудит фаолияти мамлакатимизга 2007 йилдан бошлаб жорий этилган бўлсада, унинг мазмун моҳияти иқтисодчи олимларимиз томонидан илгарирок ўрганилган. Яъни ички аудит тушунчаси ва моҳияти юзасидан бир қанча

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори бўйича “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ”

иктисодчи олимлар ўз фикр мулоҳазаларини илмий изланишларида билдириб ўтган.

Ички аудит хизмати деганда хўжалик юритувчи субъектлар ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизматининг мақсади ташқи аудиторлик фаолиятидан фарқли ўлароқ, улар корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини доимий назорат қилиш мақсадида олдиға бир қанча мақсадларни қўяди:

- Активлар ҳолатининг назорати;
- Ички тизимдаги назорат жараёнларини тасдиқлаш;
- Ички назорат ва ахборот қайта ишлови тизимининг самарали ишловининг таҳлили;

- Бошқарувнинг ахборот тизими томонидан бериладиган маълумотларининг сифатлилигини баҳолаш.

Бизнинг фикримизча, ички аудит хизматининг мақсади – жамиятнинг кузатув кенгаши ва акциядорларини тўғри ва ўз вақтида ахборот билан таъминлаш, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилиш, ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаб бориш ҳамда корхонани барқарор фаолият юритишини таъминлашдар.

Ички аудит хизмати мақсадидан келиб чиқиб, корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги НИЗОМга мувофиқ қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

- ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Ички аудиторлар ўзларининг текшираётган объектига кўра ва корхонанинг фаолиятдан келиб чиқиб ўз олдига бир қанча вазифаларни қўйиши мумкин, аммо ички аудиторларнинг умумий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

- активларнинг ҳолатини;
- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

- тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия,

солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

- техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига кўмаклашиш.

- Кузатувчи кенгаш томонидан корхона ихтисосидан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

Ички аудит тизимини яратишда қуйидаги муҳим тамойиллар асос қилиниб олиниши керак.

—*Ички аудитнинг аниқ мақсадга қаратилганлиги тамойили;*

—*Ички аудит тизимининг яхлитлиги ва тўлиқлиги тамойили;*

—*Ички аудитнинг ҳужжатларга асосланганлик тамойили;*

—*Ахборотни автоматик тарзда қайта ишлаш тамойили;*

—*Тезкорлик тамойили.*

Ўзбекистон корхоналарида ички аудит хизматини ташкил қилиш қуйидаги афзалликларга эга:

Биринчидан, корхона бошқарув кенгашига бўлимлар устидан самарали назорат ўрнатиш имконини беради.

Иккинчидан, ички аудиторлар ўтказадиган мақсадли текширув ва таҳлилнинг истиқболли йўналишларини аниқлаб беради.

Учинчидан, ички аудиторлар текширув билан билан бирга бош корхона, унинг филиалларидаги молиявий – иқтисодий, бухгалтерия ва бошқа бўлимлар ходимларига маслаҳатлар бериш вазифасини ҳам бажарадилар.

Ички аудит нафақат хусусий мулк эгалари, балки компаниянинг менежментига ҳам зарур. Менежерларнинг мақсади – олдига қўйилган

мақсадларга эришишда самарали йўллар орқали бизнесни бошқариш. Ушбу масалаларни ижобий ҳал этиш икки масалага боғлиқ:

1) Менежер бошқарув масалаларини тўғри ҳал этиш учун етарли маълумотга эгалиги;

2) Ички аудитнинг асосий мақсади – менежерларга ўз зиммаларига қўйилган вазифани бажаришда ёрдам бериш, уларга компания активларининг самарали ишлатилиши.

Ички аудит хизматининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича корхонанинг ҳужжатларини (рахбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), корхонанинг мансабдор ва маъсул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

- ички аудит ўтказишга кўмаклашиш учун корхонанинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

Ички аудит хизмати ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ички аудитни амалга оширишда қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончлилигини текшириш;

- ҳисоботлар тузиш;

- ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

- корхонага унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақида дарҳол корхонанинг кузатувчи кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни қайд этиш;

- активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш;

- Ички аудит хизмати қонун ҳужжатларига ва корхонанинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ички аудиторлар мажбуриятларига, шунингдек қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Назорат тизимининг самарадорлигини текшириш;

- Ташкилот фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

Ўрганиш обектига қараб, ички аудитнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Бошқарув тизимининг функционал аудити;

- Бошқарув тизимининг ташкилий-техникавий аудити;

- Ташкилот бошқарувининг комплекс аудити;

- Фаолият турлари аудити;

- мувофиқлилик бўйича аудит.

Бошқарув тизимининг функционал аудитида барча бўлимлардаги ишлаб чиқариш ва самарадорлик баҳоланади.

Бошқарув тизимининг ташкилий - техникавий аудитида ташкилот бўлимларининг технологик ва ташкилий масалаларининг ички аудит назоратини назарда тутди.

Бунда қуйидагилар:

- ташқи ваколатли органлар томонидан ўрнатилган қонун ости меъёрий ҳужжати, стандартларига;

- бошқарув органлари томонидан белгиланган норматив қоидалар ва вазифаларга риоя қилишдир.

Ташкилот бошқарувининг комплекс аудити – корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган ҳолда корхонанинг нафақат молиявий хўжалик фаолиятини балки бошқарув фаолиятини, ички назоратнинг мукамал ташкил

этилишини ва албатта корхонанинг бухгалтерия ҳисобига оид барча бошланғич ҳужжатлари, активлар ва мажбуриятлар юзасидан тўлиқ инвентаризация ўтказишни назарда тутди.

2-жадвал

Ички аудитнинг турларига тегишли белгиларнинг таснифланиши⁸

Белгилар	Турлари
Аудиторлик текшируви ўтказиладиган объектлар тизими	Алоҳида бўлимнинг аудити. Оддий бошқарув тизимига эга бўлган ташкилотнинг аудити
Амалга оширишнинг даврийлиги	Бирламчи Бир марталик Оператив Якуний
Молиявий ҳисоботларни шакллантиришда БҲМС нинг қўлланилиш даражаси	Фаолиятига БҲМСга молиявий ҳисобот берувчи ташкилот ва холдинглар аудити. Маълумотларни шакллантириш жиҳатидан БҲМС бўйича молиявий ҳисобот топширувчи ташкилот ва холдинглар аудити.
Ташқи аудит хизмати билан ўзаро алоқаси	Ташқи аудит билан боғланган Ташқи аудит билан боғланмаган
Функциялари	Бошқарув тизимининг самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Аудит молиявий ҳисоботининг аниқлигини тасдиқлаш Фирмалар бўлимлари аудити.

Фаолият турлари аудити акциядорлик жамиятлари ҳамда ҳолдинг компанияларини бир нечта фаолият турлари ҳам мавжуд, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда савдо сотиқ кабилардир. Ички аудиторлар ушбу фаолият турларига мувофиқ ўз режа ва дастурларини ишлаб чиқишлари лозим.

Мувофиқлилик бўйича аудит корхона фаолияти, шу фаолиятга доир маълумотлар мавжуд қонун ҳужжатларга қанчалик мос келаётганлигини ёки шу қонун ҳужжатлар бузилган ҳолларни аниқлашга қаратилган текширув.

Мувофиқлик аудитига мисол тариқасида даромад солиғини тўлаш жараёнини келтириш мумкин. Ушбу жараёнда, даромад солиғини тўлаш

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

вақтида Солиқ кодексидан четга чиқиган ҳоллар бўлган ёки бўлмаганлиги текширилади.

Ички аудиторлар ўз иш фаолияти жараёнида нафақат кузатув кенгаши қарорлари билан балки қонунлар, қарорлар, фармонлар каби меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан бевосита танишиб, уларни ўрганиб бориши, керак бўлса раҳбариятларни ҳамда кузатув кенгашини улар билан амалда таъминлаб бориши керак. Чунки корхонанинг ривожланиш поғоналари кўп жиҳатдан ички аудиторларга боғлиқ бўлиши керак.

Умуман олганда ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудит фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг фаолиятидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва низомлар ҳуқуқий асослар ҳисобланади. Аммо ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларникидан фарқ қилади. У ҳам бўлса ички аудитор корхона ва кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга амал қилади.

1.2. Акциядорлик жамиятларида ички аудит текширувларини ўтказиш ва натижаларни умумлаштиришнинг аҳамияти ва зарурлиги

Акциядорлик жамияти давлат корхоналарини хусусийлаштириш, янги корхоналарни ташкил этиш ва уларни бошқаришда аҳолининг иштирокини таъминлайдиган, кишиларда мулкдорлик туйғусини тарбиялайдиган ҳамда акция сотиш орқали шахсларнинг бўш қолган маблағларини бир жойга тўплаб, тадбиркорликка йўналтирадиган хўжалик юритувчи субъектдир. Йирик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишни бажариш одатда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади. Аниқроғи, улар дунё иқтисодиётидаги асосий ускуртмалардан биридир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ва иқтисодий ислохотларни самарали бошқаришда акциядорлик жамиятлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва иқтисодий фаолияти самарали бошқарилиши талаб

этилади. Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналарни молиявий фаолиятини тартибга солишда Молия Вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва бир қанча молиявий органлар томонидан меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тарғиб қилинмоқда. Бу эса корхоналарнинг бошқарувида туб ўзгаришларни, назоратнинг ташкилий тизимини, услубиётини ва фаолият кўрсатишини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, мустақил, ташки, давлат назоратига муқобил бўлган аудиторлик фаолияти бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ажралмас қисми сифатида ривожлантириш зарурати янада кучаймоқда.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати ўта муҳим бўлиб, улар корхонанинг молиявий фаолиятини доимий назоратда олиб боради. Шунингдек, аудит натижаларини ва ҳисоботларини кузатув кенгашига тақдим этиб боради.

Компанияда иш ҳажмларининг ўсиши ва бошқарув жараёнининг мураккаблашуви натижасида жамият эгалари – менежерларда бизнес юқори даражада жиддий ўзгармаганлиги ва ташкилот фаолиятининг барча соҳалари назоратда деган фараз уйғонади, аслида раҳбариятда вазиятни тўлалигича назорат қилишнинг жисмоний жиҳатдан иложи йўқ. Мана шундай ҳолатда ички аудит хизмати жуда фойдали ва зарур бўлади.

Масалан, Европа ва АҚШда бизнеснинг бошқарув ва юритиш функциялари бирлашиши кичик ва қисман ўрта бизнесга хосдир. Йирик ва аксарият ўрта компанияларда бу функциянинг бўлиниши мавжуд, бунда хусусий мулк эгалари компаниянинг ривожланишини, йўналишлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш масалалари билан кўпроқ шуғулланишади.

Аксарият мамлакатларда ички аудит хизматини ташкил этиш талаблари қимматли қоғозлар эмитентлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базанинг бир қисмига айланган, чунки кўпгина биржаларда листинг процедураларига фақат директорлар кенгашлари таркибида ички аудитнинг тегишли бўлимлари ишини назорат қилувчи ва йўналтирувчи аудит бўйича

қўмиталарга эга бўлган компаниялар йўлатилади. Йирик компаниялардаги аудит қўмитасининг асосий вазифалари бизнес оламидаги кескин ўзгаришларга жавобан аудит қўмитасининг мақсад ва вазифалари ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Ташкилотларнинг корпоратив бошқарувида муҳим ёрдам берадиган аудит қўмитаси қуйидагиларга жавобгар:

- Ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг тўғрилигига;
- Ташқи аудиторларнинг мустақиллиги, ҳаққонийлиги, салоҳиятлиги ва иш самарадорлигига;
- Ташкилотнинг ички аудит функциясининг иш самарадорлигига;
- Ташкилотнинг ички назорат тизимининг тўғри олиб борилаётганлигига;
- Ташкилотнинг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга биноан иш кўраётганлигига.

Ички аудит ва аудит қўмитасининг ўзаро боғлиқлиги ички аудит бўлими ва аудит қўмиталари бир-бирларига нисбатан чекланмаган очиқликка эга бўлишлари керак. Ички аудитор ва аудит қўмитаси ўртасидаги боғлиқлик улар орасидаги ҳисобот топшириш ва унинг тўғрилигини текшириш жараёнини ўз ичига олади. Ички аудиторларнинг ташкилот бошқаруви, рискка чидамлилиги ҳамда ички назорати ҳақидаги фикрлари аудит қўмитаси учун жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, аудит қўмитаси ва ички аудиторлар мақсад ва вазифаларига кўра чамбарчас боғлиқ. Аудит қўмитаси ташкилотнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан иш кўраётганлигини текшириш учун ҳам ички аудит ҳисоботларини ишга солиши мумкин. Бундан ташқари, аудит қўмитаси ички аудиторларнинг ташкилотлардаги барча тегишли бўлимларни, шу жумладан, ахборот технология ва компьютер системаларини ҳам эътиборга олаётганликларини ҳам таъминлайди.

Республикамизда қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш ҳамда акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида ички аудит хизматини ташкил этиш юзасидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилди. Бу эса

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ва унинг назорат қилишини ривожлантириш йўлидаги ягона поғона, бу эса акциядорлик жамиятларининг хўжалик фаолиятини юқори сифат даражасига кўтаришда муҳим омилдир.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этишнинг асосий мақсади – мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишини таъминлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғри юритилишини текшириш, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш ва бошқарув органлари томонидан уларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар қилинишининг олдини олиш, бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда мулкдорларни хабардор этишдан иборат. Ички аудит хизмати корхона ходимларининг ўз вазифаларини янада самаралироқ бажаришларига ва шу билан бирга корxonанинг ички имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан тўлиқроқ фойдаланишга ёрдам беради.

Ички аудит хизмати жамият Кузатув кенгашига бевосита бўйсунди. Унга ички аудит ўтказиш ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тузишда муайян талаблар қўйилади. Ички аудит хизмати ходимлари ўзлари ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги, уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан ўзларига маълум бўлган корхона сирини ташкил этувчи ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга

риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Фикримизча, акциядорлик жамиятларида ички аудитнинг аҳамияти нафақат бошқарув органларини ахборот билан таъминлайди балки, акционерларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳиссаси улкандир. Ички аудит хизмати ходимлари кузатув кенгашига ва акционерлар олдида жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиб, ички аудиторлик ҳисоботини тузади ва белгиланган тартибда кузатув кенгашига ҳисобот беради. Ички аудит хизмати ходимлари бевосита корпоратив бошқарув ходимлари ва кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ички аудит хизмати ходимларининг асосий вазифалари кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлифларни тайёрлаш ҳамда ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларни бартараф этилишини назорат қилишдир.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит текшируви ўтказилади ва унинг натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузилади. Унга кўра ички аудит ходимлари аудит ўтказишдан аввал ишчи ҳужжатлар тайёрлайди ва аудиторлик текширувини режалаштиради. Ички аудит хизмати ходимларининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг олдига қўйиладиган талаблар қуйидагича:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;
- активларнинг ҳолатини;
- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.⁹

Корхона ташкил этилганда ёки иш фаолиятини бошлаганида бизнес-режа тузади ва ушбу режа асосида иш фаолиятини амалга оширади. Бизнес режа кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ва барча акциядорларга тақдим этилади. Ички аудит ходимлари дастлабки текширишни ушбу ҳужжатдан бошлаб, унга доир ҳужжатларни текширади.

Замонавий корпоратив бошқарув тушунчаси мамлакатимиз иқтисодиётида нисбатан янги тушунча бўлиб, яқин ўн йиллар ичида, аввало, республика банк тизимида татбиқ этила бошлаган. Кейинги пайтларда уни кўплаб корхоналарда ҳам, яъни акциядорлик жамиятларида шакллантиришга эътибор ва корпоратив бошқарувга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортиб бораётгани кузатилмоқда. Аммо амалиётдаги аҳвол ҳозирги давр талабига жавоб бераётгани сезилиб қолмоқда. Корпоратив бошқарувнинг моҳиятини очиб берувчи тушунчани бир қатор иқтисодчи олимлар турли хил ёндашувлар билан таърифлайдилар.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази бу тушунчани – компаниянинг самарали фаолиятини таъминлашда ҳамда унинг эгаларининг, шунингдек, бошқа манфаатдор шахсларнинг (компания персонали, кредиторлар, шериклар ва бошқаларнинг) манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида компания

⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарорига 2-ИЛОВА «Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида»ги НИЗОМнинг VI - бўлими.

рахбарияти билан унинг эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидир деб ифодалади.¹⁰

Э.М.Коротков корпоратив бошқарувни акциядорларнинг бирламчи қизиқишларига қаратилган бошқариш ва уни корпорациянинг ривожланишидаги роли сифатида деб изоҳлайди.¹¹

А.А.Каримовнинг таъкидлашича корпоратив бошқарув – бу шундай тизимки, у орқали хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурсларини бошқариш, мулкдорлар ҳамда инвесторлар сармояларини бошқаришнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш, манфаатдор томонларнинг қизиқишларини ҳамкорликда аниқлаш ҳамда бир – бирига мослаштириш, шу билан бирга олинадиган даромадларни уларнинг ҳиссасига монанд тақсимлаш учун мўлжалланган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар амалга оширилади.¹²

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Ўрта Осиё темир йўллари базасида 1994 йил 7 ноябрда ташкил топган. Умумий темир йўл узунлиги 3645 кмни ташкил этади. Жамиятда 54.7 мингдан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади. Йиллик юкни айирбошлаш барча турдаги транспортларнинг юк айирбошлаши қўшилмасининг 90% ташкил этади.

Ҳозирги кунда жамият тузилмаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Алоҳида эътибор муайян соҳаларни ҳқаратилмоқда.

Жамиятнинг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилардир:

- тарқатиш ва темир йўл орқали юкларни етказиб бериш;
- темир йўл вагонларини созлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

¹⁰ Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. – Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2006. – 80 б.

¹¹ Коротков Э.М. Концепция менеджмента. – М.: «Дека», 1996 – 170 с.

¹² Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Т.: “IQTISOD - MOLIYA”, 2008, 23 - бет

- йўловчи, сайёҳлик ташишлар;
- хизмат кўрсатиш, локомотив ва вагон паркани янгилаш.

Жамият учун устувор йўналиш қуйидаги сармоя лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобланади:

- оптик толали линиялар ёрдамида алоқа каналларини мустаҳкамлаш;
- янги ҳаракатланувчи таркиб сотиб олиш (электровоз ва вагонлар) ҳамда мавжудларини модернизация қилиш;
- янги темир йўл линияларини қуриш;
- темир йўлларни электрлаштириш;
- йўлларни капитал таъмирлаш лойиҳаларини амалга ошириш, жамият заводларида йўлнинг устки қурилмаси элементларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Жамиятда сармоявий қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган бир неча лойиҳалар мавжуд бўлиб, улар амалга оширилган тақдирда сармоячига катта фойда олиб келишни ваъда қилади.

Ўзбекистон темир йўллари Маркизий Осиё худудида Тошкентдан Самарқандгача илк тезюарар йўловчи ҳаракатни ташкил қилиш мақсадида 2008 йил “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Талго” (Испания) компанияси ўртасида 2 та тезюарар йўловчи электропоездларни сотиб олиш тўғрисида битим имзоланди.

2011 йил 8 октябрдан «Афросиёб» (Испания компанияси Талго) тезюарар поезде Тошкент-Самарқанд-Тошкент 161/162 сонли хабар билан ишга туширилди.

Янги тезюарар поезд бу маршрут орқали хизмат кўрсатадиган бошқа электр поездлар билан бирга, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳаракат қилади. Юқори тезликдаги «Афросиёб» поезде икки соат ва ўн беш дақиқа ичида 344 км темир йўл масофасини босиб ўтади. Максимал тезлиги соатига 250 километрни ташкил этади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг статистик маълумотлари¹³

№	Асосий кўрсаткичлар	Йиллар		Фарқи, % да
		2015 й.	2016 й.	
1.	Жўнатилган юк, млн.тонна	67,2	67,6	100,6
2.	Жўнатилган йўловчилар сони, млн.йўловчи	20,1	20,5	102,0
3.	Ташилган йўловчилар сони, млн.йўловчи	20,6	20,9	101,5
4.	Эксплуатацион темир йўл узунлиги, км	4237,5	4303,7	101,6
5.	шу жумладан электрификация йўли, км	827,7	1353,5	163,5

Демак, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Ўзбекистон Республикасида юк ва йўловчи ташиш борасида етакчи транспорт тизимидир. Жадвал маълумотларига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда барча кўрсаткичлар 2016 йилда 2015 йилга нисбатан ошириб бажарилган. Айниқса, темир йўлларни электрлаштириш жараёни 163,5 %га ошириб бажарилгани эътиборга моликдир.

Жамият локомотив паркларини, йўловчи ва юк вагонларини янгилаш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим масалалардан биридир. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналарида йўловчи ва юк вагонларини серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу, хусусан, ҳавони совитиш мосламаси

¹³ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маълумотлари асосида тузилган. <http://www.railway.uz>

билан жоҳозланган купели вагонлар, юк вагонларининг энг катта талабга турлари – ёпик, нефт маҳсулотлари учун цистерналар, яримвагонлар ва бошқалар.

Бундан ташқари, темир йўл инфратузилмаси ва ҳаракатланувчи таркиб учун эҳтиёт қисм, узел ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Барча акциядорлик жамиятларидаги каби “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда ҳам ички аудит хизмати очилган. Уларнинг штат бирлиги ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

4-жадвал

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ички аудит хизмати ходимларининг штат жадвали (2016 йил 1 январ ҳолатига)¹⁴

Лавозимлар номи	Штат бирлиги	Тариф разряди	Тариф коэффициенти	Лавозим маоши	Ойлик иш ҳақи
Ички аудит хизмати бошлиғи	1	14	16,16	2104678	2104678
Ички аудит хизмати бошлиғи муовини	1	13	10,74	1398778	1398778
Аудитор	7	11	13,17	12006827	12006827
Аудитор ёрдамчиси	1	10	11,52	1500365	1500365
Аудитор ёрдамчиси	1	10	8,23	1071875	1071875
Жами	10				16002590

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ички аудит хизматида жами 10 та ходим фаолият юритади. Шулардан 7 таси аудитор лавозимидир.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув принциплари юқоридаги таърифга тўлиқ мос келиб, у бугунги кундаги иқтисодиётимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг бошқаришда муҳим омил

¹⁴ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маълумотлари асосида тузилган. <http://www.railway.uz>

хисобланади. Бундай бошқарувнинг мақсади акциядорлик жамиятлари ва компанияларнинг барча фаолият турларидан имкон қадар кўпроқ фойда олишга ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши керак. Бу тизимда барча ишлар ҳамжихатликда юритилса ва қанчалик кўп такомиллаштирилса, хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси шунда юқори бўлиши таъминланади.

I боб бўйича хулоса

Диссертация ишининг 1-бобида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ички аудит натижаларини умумлаштиришнинг назарий асослари баён этилган. Ички аудит ходимлари акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ташкил этилиш даражасини ва корпоратив бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилигини, унинг қатнашчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини текширади ва қонун ҳужжатлари асосида юритилишини таъминлаб, унга доир тавсиялар ишлаб чиқади, бу эса бошқарув тизимининг такомиллашига олиб келади. Ички аудит хизматининг мустақиллиги ҳам шундан иборатдир. Аммо ҳозирги кунда корпоратив бошқарув тизимини, уларнинг принципаларга риоя этишлари юзасидан бир қанча жузъий камчиликлар мавжуд. Уларни бартараф этиш учун бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда, бироқ улар ханузгача тлик шаклланаётгани йўқ. Бунинг учун биз акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида ички аудитнинг ташкил этилишини такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифларини билдириб ўтамыз.

Биринчидан: ички аудитнинг мустақиллиги таъминлаш мақсадида унинг ижроия органига қарам бўлмаслигини таъминлаш ва бунга амалда эришиш керак.

Иккинчидан: ички аудит ўз текширишлари натижасини доимий равишда ошқор этиб бориши лозим, бу эса акциядорларнинг ахборотлар олишини таъминлайди.

Учинчидан: ички аудиторлик стандартларини ҳамда ички аудиторларнинг ахлоқий талабини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш лозим.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган таклифлар нафақат корпоратив бошқарувини таъминлайди, балки акциядорларни ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқаришда ички аудит хизматини мукамал жорий этсак, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини тўғри ва ишонарли юритиш, акциядорларга дивиденд тўлаш тизими, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришиши ҳамда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритишида хизмат қилади.

II БОБ. ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ

2.1. Ички аудит текширувида қўлланиладиган усуллар тавсифи

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида корхоналарда ички аудитни самарали ташкил қилиш масаласи долзарб ҳисобланади. Чунки самарали ички аудит ташкил қилинган корхонада йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг ҳамда буларнинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган турли хил жарималар ҳамда кўзда тутилмаган харажатларнинг олди олинади. Шу сабабли мамлакатимизда корхонанинг ҳар томонлама самарали фаолият юритиши, иқтисодий барқарорликка эришиши учун ички аудиторлар хизматидан фойдаланиши зарурати пайдо бўлади. Ушбу вазифанинг самарали бажарилиши учун корхоналарда аудит тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Чунки корхонада самарали ташкил қилинган ички аудит хизмати корхонани томонлама юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлаб беради. Шу сабабли мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятларини ўрганиш зарурати пайдо бўлади.

Расмий характерга эга ва молиявий ҳисобга асосан ўтказилган ташқи аудитдан фарқли ўларок, ички аудит ташкилот учун ҳам режалаштирилган, ҳам тўсатдан ўтказилиш характерига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ички аудит учун назоратнинг уч босқичи ҳам характерлидир: тахминий — хўжалик операциялари содир этилгунча; жорий — хўжалик операциялари содир этилаётган пайтда ва кейинги — хўжалик операциялари содир этилгандан сўнг.

Ички аудитда аудиторлик далилларини тўплаш учун турли усуллардан кенг қўлланилади. Уларни қуйидаги йўсинда таснифлаш мумкин:

1) Назоратнинг умумий методик усуллари (тахлил, синтез, индукция, дедукция, аналогия, моделлаштириш, мавҳумлаштириш, тажриба ва .);

2) Назоратнинг эмпирик методик усуллари (инвентаризация, ишларнинг

назорат ўлчови, ускуналарни ишга туширилиши, формал ва арифметик текширув, икки томонлама текширув, тескари ҳисоблаш усули, бир турдаги фактларни солиштириш методи, хизмат текшируви, турли кўринишдаги текширувлар, сканерлаш, мантикий текширув, ёзув ва оғзаки сўровлар ва б.);

3) Иқтисодий фанларга яқин фанларнинг махсус усуллари (иқтисодий таҳлил усуллари, иқтисодий-математик методлар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика методлари).

Ички аудитни ўтказишда аудитор томонидан активлар (ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари, асосий воситалар ва бошқалар) инвентаризациясини жисмоний текшириш, кўрик ва қайта ҳисобдан ўтказиш, шунингдек ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар инвентаризацияси ҳамда баланснинг бошқа моддалари қайта ҳисоб-китоби кабилардан кенг фойдаланилади.

Инвентаризация ўтказишни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади: Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун; “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли 19-сон БҲМС.

Инвентаризация ўтказиш кўрсатмаларига биноан инвентаризация бир нечта босқичларда ўтказилади. Ҳар бир босқичда тегишли бирламчи ҳужжатлар тузилади. Бунда биринчи бўлиб инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар (қарор, фармойиш) бажарилиши устидан назорат журналида рўйхатга олиндиган инвентаризация ўтказиш тўғрисида буйруқ (қарор, фармойиш) чиқарилади. Кейин эса ҳақиқатда мавжуд мулклар ва молиявий мажбуриятлар ҳисоби тўғрисида маълумотлар берувчи инвентаризация рўйхати ва далолатномалар тўлдирилади. Инвентаризациянинг кейинги босқичида эса бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилган натижалар текширув натижалари билан таққосланади. Асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликлар, тайёр маҳсулот ва бошқа бойликлар натижаларини акс эттириш учун таққослама ведомостлар тузилади. Асосий воситаларнинг

тугалланмаган таъмирлаш, келгуси давр харажатлари; пул маблағлари, кимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобда турувч ҳужжатлар бланки мавжудлиги инвентаризациясини расмийлаштириш учун таққослама ведомост ва инвентаризация рўйхатлар кўрсаткичлари бирлаштирилган ягона регистрлардан фойдаланилиши мумкин. Инвентаризация якунида унинг тўғри ўтказилганлиги тўғрисида назорат текшируви ўтказилиши мумкин. Бундай текширувлар натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва инвентаризация тўғри ўтказилганлиги назорат текшируви ҳисоби журналида рўйхатдан ўтказилади. Сўнги босқичда ҳисобот йилида ўтказилган инвентаризация натижалари аниқланган инвентаризация натижалари ведомостида бирлаштирилади.

Ҳужжатлари кўрсатиб ўтилган хўжалик маблағларининг ҳақиқатдаги ҳолатининг текшируви маълум бир объектларни кўриқдан ўтказиш ва текшириш йўли орқали амалга оширилади.

Кўриқ тегишли мутахассис томонидан хўжалик тизимида қандайдир аниқ бир функцияларни бажарувчи маълум бир объектларни ўрганиб чиқиш ва агар зарур бўлса, кўриб чиқилган объектлар тўғрисида маълумотларни қайд этишдан иборатдир.

Текширув ҳам кўриқ каби маъсул ходимлар томонидан хўжалик тизимининг маълум объектларини билвосита ўрганиб чиқишдир. Бироқ, текширувда кўпроқ объектларининг аниқланган қўшимча хусусиятлари тўғрисидаги муҳим маълумотларни ҳужжатлаштириш амалга оширилади. Булар, далолатнома, баённома ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлардир.

Кўриқдан турли хилдаги объектлар ўтказилиши мумкин: ишлаб чиқариш бинолари, асбоб-ускуналар, ҳудудлар, омборлар, маҳсулот ва бошқалар. Кўриқ ёки текширувга, керак бўлса, текширилаётган объект раҳбарлари (якка тадбиркорлар) ёки керакли маълумот бера олувчи маълум бир соҳа ёки йўналишга жавобгар шахслар жалб қилиниши мумкин.

Савдо ташкилотларида кўп сонли хўжалик операцияларини текшириш

учун маркировка, товар белгилари, акциз маркалари мавжудлиги, товарларнинг бошка ўзига хос хусусиятлари синчиклаб кўриқдан ўтказиш талаб қилинади. Кўриқ давомида олинган маълумотлар бухгалтерия ҳужжатлари билан солиштирилади. Ҳужжатларни текшириш учун кўриб чиқиладиган товарларнинг хусусиятларини ўрганиб чиқиш, зарур бўлган ҳолларда кўриққа товаршунос мутахассис жалб қилиниши мумкин.

Юк хўжалигини кўриқдан ўтказишда қуйидаги камчиликлар аниқланиши мумкин:

- юк ўлчаш асбобларида тамғанинг йўқлиги;
- енгиллаштирилган вазн тошлари;
- ўлчаш паллаларининг оғирлаштирилганлиги;
- мувозанати бузилган тарози ва ҳоказо.

Ўз навбатида, савдо-сотик хоналарини кўздан кечириш касса-назорат машиналари фойдаланишидаги қонунбузарликларни аниқлашга имкон беради.

Агар янада чуқурроқ текширув ўтказиш ва ҳисоб ҳолати ҳамда технологик жараёнга амал қилишни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, текширувчи шахс томонидан корхонанинг алоҳида бўлимларини текшириб чиқиш амалга оширилади. Ушбу фаолият давомида қуйидагилар аниқланиши мумкин: маҳсулот сақлаш қоидалари бузилиш ҳолатлари; назорат ўтказиш тизимининг қониқарсиз ташкил этилганлиги ва ҳоказолар.

Назорат ўлчаш ички назоратнинг методик услуби. Унинг ёрдамида хўжалик ёки пудрат асосида ҳақиқатда амалга оширилган қурилиш ёки қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва улар бўйича тўловнинг ҳаққонийлиги аниқланади.

Одатда ўлчаш қурувчи мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширилади. Ўлчашга тайёрланишда текширилиши лозим бўлган объектлар, қурилма элементлари ва иш турлари аниқланади. Шундан сўнг, текшириладиган наряд ва бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари бўйича тўланган

ва қурилиш бошидан бери амалга оширилган ишлар миқдори ва қиймати ҳисоблаб чиқилади. Бу маълумотлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан солиштирилади ва амалга оширилган ишлар хусусияти, сони ва қиймати бўйича тафовут топилади. Зарурат туғилганда ҳисобдан чиқарилган материаллар сони ва тури ҳисоблаб текширилади.

Ўлчашда қатнашишга мутасадди раҳбар ходимлар, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси, наряд ва материалларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатларига имзо қўйган ва қурилиш ёки таъмирлаш ишларига жавобгар ижро этувчи шахслар жалб қилинади. Булар одатда прораблар ва йўналиш бошлиқлари бўлади. Бундан ташқари, ўлчашга буюртмачининг, смета-лойиҳа ташкилотининг вакили, текширилаётган ишларнинг нарядларида бажарувчи бўлиб кўрсатилган ишчилар, жамоатчилик вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Нисбатан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган алоҳида олинган объектларнинг назорат ўлчашни ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Объектларнинг кўплигида назорат ўлчаш, биринчидан, қўшиб ёзиш ва ишлар ҳажмини ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлашда кам самарали бўлса, иккинчидан, кўпроқ вақт сарф қилишни талаб қилади.

Қурилиш ишларининг асосий ўлчаш асбоблар ёрдамида ўлчашдир (рулетка, метр, геодезик ускуна ва ҳоказо). Ўлчаш зарур бўлмаган ёки қийин бўлган қурилмалар бўйича иш ҳажмини ўлчаш иш чизмалари ва таснифлари ёрдамида лойиҳада назарда тутилган конструкциянинг мавжудлиги ва чизмалар бўйича тегишли ишлар амалга оширилганидан сўнг ўтказилади.

Ўлчашни амалга оширишда қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади: бажарилган ишлар далолатномалари, журналлари ҳар бир объект бўйича, қурилиш материаллари сарфи журналлари, ишлар наряди, геодезик ўлчашлар далолатномалари, биноларни техник кўриқдан ўтказиш далолатномалари, смета-лойиҳа ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисобининг материалларни ҳисобдан

чиқариш тўғрисидаги маълумотлари ва бошқалар. Ўлчаш ёрдамида қуйидагилар текширилади:

- Лойиха, смета, қабул қилиш далолатномалари ва нарядларда кўрсатилган бажарилган ишлар қиймати, характери ва ҳажмининг мослиги; бажарилган ишларнинг нархи смета меъёрлари бўйича ўрнатилган ва ҳисоблаб чиқилган нархларга мослиги;

- Объектлар, конструктив элементлар, ишлар тури ва босқичлари ёки уларнинг қисмларининг (текширув учун зарур бўлган ҳолларда) тугатилганлиги.


Ишларнинг қиймати ва ҳажмини ошириб кўрсатишнинг кенг тарқалган усуллари қуйидагича: далолатнома ва нарядларга амалда бажарилмаган ишларни қўшиш; лойиҳадан четга чиққан ҳолатда ишларни бажариш; қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган кам ҳажмда бажарилган ишларни топшириш; илгари амалга оширилган ишларни далолатномаларга киритиш ва бошқалар.

Ўлчашни бошлашдан аввал назоратчи ва иштирок этувчи мутахассисда иккита жадвал бўлиши шарт. Биринчиси – смета нархларида (КС-6 шакл бажарилган ишлар ҳисоби журнали), иккинчиси – нарядлар бўйича. Жадвалнинг чап қисмида алоҳида ҳужжатлар бўйича ишлар номи ва ҳажми акс эттирилса, ўнг қисмида ўлчаш жараёнида аниқланадиган барча маълумотлар киритилади. Агар қурилиш материалларини ҳисобдан чиқариш тўғрилигини текшириш керак бўлса, иш бажарувчиларнинг материаллар тўғрисидаги ҳисоботлари асосида схема ишлаб чиқилади.

Бажарилган ишлар бўйича ўлчашнинг натижалари текширувчи билан бирга мутахассис-қурувчи тузган ва барча қатнашувчилар имзолаган ўлчаш далолатномасида акс эттирилади. Агар улардан бирортаси имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақда тегишли белгилаш киритилади. Ўлчашга жалб қилинган шахслар ўлчаш натижаларидан норози бўлсалар, ўз қаршилик ва кузатувларини

далолатномада акс этирилишини талаб қилишлари мумкин.

Ички аудитда ҳужжатларни текширишда фойдаланиладиган методик усуллар таснифланиши расмда келтирилган.



2-расм. Ҳужжатли назорат усуллари.¹⁵

Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини навбатли кўздан кечириш – **сканерлашдир.**

Сканерлаш натижасида аудитор ностандарт ҳужжатларга эътибор қаратади, масалан:

1) Ўрнатилмаган шаклдаги бланклардан фойдаланилганлик ёки уларни тўлдириш тартиби бузилганлиги (масалан, бухгалтерия ҳисобининг умумий комплекс автоматлаштирилгани ҳолда уларнинг қўлда тўлдирилиши);

2) Баъзи керакли реквизитларнинг тўлдирилмай қолганлиги – тез-тез учраб турадиган маъсул раҳбар шахсларнинг имзоси йўқлигидан тортиб, то кам учрайдиган инвентар ҳисобдан қолдиқларни чиқариш санаси йўқлигигача;

3) Одатдаги шаклда кўзда тутилмаган қўшимча реквизитлардан

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фойдаланиш. Масалан, агар товар-моддий бойликларини олишга берилган юкхат тамғали мухр билан тасдиқланган бўлса, у ҳолда бу текширувчининг эътиборини ўзига тортади. Чунки, тегишли шахслар амалга оширилган исрофгарчиликларни беркитиш мақсадида ҳаддан ташқари ҳаракат қилиб юборган бўлишлари мумкин;

4) Ўрнатилган шаклда кўзда тутилмаган кераксиз реквизитлардан фойдаланиш, масалан, маълум бир ойда касса чиқим ордерларини сканерлашда (тартибли кўздан кечиришда) аудитор улардан бир қисми директор томонидан эмас, балки, на таъсис ҳужжатлари, на махсус ишончнома, на буйруқ асосида бундай ҳуқуққа эга бўлмаган реклама бўйича менежер томонидан имзоланганини аниқлади.

Юқорида келтирилган усуллар натижасида аудиторда ҳужжатларнинг ишонарлилигида шубҳа туғдириши мумкин бўлган кўплаб ҳолатлар мавжуд, бироқ бундай шубҳалар сўзсиз исбот бўла олмайди. Бундай ҳолларда, масалан, ҳужжатда акс эттирилган операциянинг ҳаққоний ёки нотўғрилигини аниқлашга ёрдам берувчи қўшимча маълумотларни тўплаш зарур. Бунинг учун аудитор бир турдаги ёки ўзаро боғлиқ хўжалик операциялари акс эттирилган ҳужжатларни текшириш усулларида фойдаланиши мумкин. Бу тоифадаги энг кўп фойдаланиладиган усуллар – расмий сўров ва ташқи тасдиқни олиш, ўзаро солиштириш, хронологик текширув ва ҳоказо.

Расмий сўров ва ташқи тасдиқлаш. Аудиторлик далилларининг ишончлилиги, шу жумладан, ички аудитда ҳам, уларнинг қайси манбадан олинганига боғлиқ. Ташқи манбалардан олинган аудиторлик далиллари ички манбалардан олинган далилларга нисбатан ишонарлироқ ҳисобланади.

Ташқи манбадан олинган ва расмий сўровга жавобан берилган тасдиқловчи маълумотдан фойдаланишнинг ягона талабларини ўрнатади. Булар қуйидагиларни тасдиқлаш учун зарур:

- Банк ҳисобрақамларидаги пул қолдиқлари;

- Дебитор ва кредитор қарздорликларни ва шу жумладан олинган қарзлар миқдорини;
- Қайта ишлаш ёки комиссияга берилган моддий-ишлаб чиқариш захиралари миқдорини;
- Ҳисобот санасигача харид қилинган бироқ ташкилотга етказиб берилмаган молиявий инструментларни;
- Текширилаётган ташкилот учинчи шахс билан бирга юритган хўжалик операциялари ва келишувлар шартларини.

Текширилаётган ташкилотнинг сўровларига жавобан учинчи шахслардан олинган аудиторлик далилларини олиш ва таҳлил қилиш жараёни ташқи тасдиқлаш дейилади.

Аудитор учинчи томондан олмақчи бўлган маълумот хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ёки салбий тасдиқлашга сўровнома тайёрлаши мумкин.

Ижобий тасдиқлаш сўровга учинчи шахс ҳар қандай вазиятда жавоб бериши кераклигини назарда тутса, салбий тасдиқ фақат сўровда кўрсатилган маълумот билан учинчи шахснинг норозилиги ҳолатида жавоб берилишини кўзда тутаетди. Ижобий сўровнома сўралаётган маълумот тўлдирилиши керак бўлган ёки учинчи шахс тасдиқлаши, рад этиши керак бўлган зарур маълумот кўрсатилган бланк сифатида тузилиши мумкин. Ҳар бир сўровда сўровга жавоб ички аудиторга бевосита юборилиши кераклиги ва текширилаётган ташкилот раҳбарияти сўралаётган маълумотнинг очиб берилишига розилиги кўрсатиб ўтилиши зарур.

Аудитор сўров юбориладиган ташқи ташкилотнинг маъсул шахсларини тўғри танлай била олиши зарур. Бунда маъсул шахснинг лаёқатлилиги, унинг хабардорлиги, мотивацияси, жавоб бера олиш имконияти ва ҳоҳишини инобатга олиши лозим.

Салбий тасдиқлаш нисбатан ишонарсизроқ аудиторлик далили

бўлганлиги сабабли ундан фақат маълум бир шароитларда фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳисобрақамлар бўйича кўп сонли аҳамиятсиз қолдиқларни текшириш зарур бўлади. Ташқи тасдиқлаш жараёни тўлиқ ички аудитор назорати остида бўлиши керак. У шахсан контрагентларни танлаб олиши, сўровномаларни тайёрлаши ва уларни корхона раҳбариятига имзоқўйдириши, контрагент манзилини аниқлаши ва сўровномаларни юбориши лозим. Олинган жавобларни аудитор уларнинг ишонарлилиги нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш, ва зарур бўлган ҳолларда олинган жавобларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигига доир шубҳаларни бартараф қилиш учун зарурий амалларни бажариши керак (масалан, олинган жавобни телефон орқали оғзаки тасдиқлаш).

Агар ижобий ташқи тасдиқлаш ҳақидаги сўровга жавоб келмаса, у ҳолда аудитор ҳисобот тайёрлашнинг сабабларига нисбатан муқобил амалларни бажаради. Учинчи шахслар томонидан кўп маротаба норозиликлар билдирилиши текширилаётган корхона бухгалтерия ҳисобида бузилиш ва хатоликлар мавжудлигидан далолат беради.

Ташқи муассасадан ташқари молиявий назорат амалиётида (масалан солиқ идоралари томонидан) мазкур амаллар қарама-қарши текширув сифатида ўтказилади. Қарама-қарши текширувни ўтказиш иккала томон амалга оширган хўжалик операцияларини уларнинг бухгалтерия ҳисобида фарқли равишда акс эттиришдаги турли хил камчиликларни аниқлашга хизмат қилади.

Ташқи тасдиқларни олишнинг усуллари қуйидаги хато ва камчиликларни аниқлашда асқотиши мумкин:

1) Хўжалик операциясида қатнашган бир томоннинг бошқасидан олинган товар-моддий бойликлари ва пул маблағларининг тўла ёки қисман кирим қилинмаганлиги;

2) Товар, иш ва хизматлар реализациясидан тушумни (шу қаторда банкка топшириладиган қисмига ҳам) ўзлаштириш;

3) Тўлиқ ёки қисман товарсиз операциялар мавжудлиги;

4) Товар-моддий бойликлар ва пул маблағларининг ортиқча ҳисобдан чиқарилиши ва ҳоказолар.

Ўзаро солиштириш. Ўзаро солиштиришда бир ёки бир нечта ўзаро боғлиқ операцияларнинг турли жиҳатлари акс эттирилган ўз номи ва моҳиятига кўра фарқланувчи ҳужжатлар солиштирилади.

Турли ҳужжатларни солиштириш имкониятлари жуда хилма-хилдир. Ҳар бир иқтисодий субъектда улар мазкур корхонанинг тармоқ бўйича ихтисослашуви ҳамда ички хўжалик назорат тизимига боғлиқ. Масалан, ички аудиторлар қуйидаги ҳужжатлар бўйича ўзаро солиштиришни амалга оширишлари мумкин:

1. Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари маълумотлари, шунингдек товар маҳсулотларини жўнатишни (ёки иқтисодий субъектнинг ҳисоб сиёсатиға мувофиқ пул келиб тушишиға боғлиқ реализация ҳажмларини) акс эттирувчи оператив ҳисоб ҳужжатлари, товар жўнатиш ва реализация қилиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлардаги (рухсатнома, йўл хатлари ва бошқалар) маълумотлар билан;

2. Бирламчи ҳужжатлардаги товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар уларни олиб келиш билан боғлиқ харажатларға нисбатан солиштирилади. Маълумотлар нафақат алоҳида олинган кирим, балки йил давомида олинган товар-моддий бойликлари ҳажмини таҳлилий амалларни қўллаш ёрдамида таҳлил қилиниши мумкин.

3. Товар-моддий бойликларининг чиқими ва юклаб юборилиши ҳақидаги маълумотлар ушбу товар-моддий бойликлари жўнатилган идишлар ҳақидаги маълумотлар билан.

4. Ишлаб чиқаришда ҳисобланган иш ҳақининг (шунингдек бюджетдан ташқари фондларға турли ҳисобланмалар ҳақидаги маълумотлар) ҳақиқатда омборға қабул қилинган тайёр маҳсулот ҳажмлари билан (бир операциянинг турли жиҳатлари солиштирилади, сўнгра ҳисобда аниқланган қарама-

қаршиликлар мантиқан текширилади);

5. Ҳисоб регистрлари бўйича ўтган маълумот бирламчи ҳужжатлар билан солиштирилади.

6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар уларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар билан, шунингдек, қурилиш материаллари ва қурилмалар, асбоб-ускуна ва машиналарга эҳтиёт қисмларни қабул қилиш далолатномалари, металллом топшириш ҳужжатлари ва ҳоказолар билан солиштирилади. Амалиётда, мулк солиғининг сезиларли ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, аудиторлар баъзан бино ва иншоотлар, заводнинг ишлаб чиқариш корпусларини сохта ҳисобдан чиқариш ҳолатларига дуч келадилар.

7. Турли товар-моддий бойликларини бузилиш, лом ва яроқсиз ҳолга келиш сабабли ҳисобдан чиқариш ҳақидаги маълумот уларни йўқ қилиш ва тегишли қайтма материалларни қабул қилишга боғлиқ хўжалик операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар билан солиштирилади.

Ўзаро боғлиқ операцияларнинг турли жиҳатлари акс эттирилган ҳужжатларни ўзаро солиштириш ички аудиторларга хатолар ва маъмурият ёки персоналнинг қасддан қилинган ҳаракатлари белгиларига эга ҳолатлар ҳақида керакли далилларни йиғишга имкон беради. Хусусан, ўзаро солиштирув қуйидагиларни аниқлашга имкон беради:

1) Қисман ёки тўлиқ товарсиз ёки пулсиз операцияларни;

2) Савдо-хўжалик фаолиятида ҳисобга олинмаган товарларнинг иштирокини;


3) Турли материаллар, хом ашё, товарлар ва идишлар ҳамда бошқа қимматликлар ҳисобга олинмаган қолдиқларини, уларнинг сотилиши ёки қабул қилиниши ҳақидаги сохта ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида яратишни;

4) Ҳисобга олинмаган тайёр маҳсулот қолдиқларини яратиш ёки асосиз иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш ҳолатларини;

5) Сохта бухгалтерия проводкаларини ёки тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларсиз ўтказилган проводкаларни тузишни.

2.2. Ички аудит текшируви бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш тартиби

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилишини ички аудит назорат қилади ва текширади. Шунинг учун ички аудитни корхоналарда тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши бухгалтерия ҳисобини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида юритилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ички аудит хизмати ҳисоботларида акс эттириладиган ахборотлар қуйидаги расмда ўз аксини топган (3-расм).



3-расм. Ички аудит хизмати ҳисоботларида акс эттириладиган ахборотлар¹⁶.

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ички аудит хизмати ҳисоботларининг турлари корхоналарда ички аудит хизмати ҳақидаги Низомида белгилаб қўйилган. Масалан, ўтказилган текширув натижалари бўйича айнан уни ўтказган ходимлар томонидан имзоланадиган мос келувчи ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режанинг бажарилишини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- уни бажарилишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- бизнес режанинг бажарилиши таъминланмаган ҳолатларда айбдор шахсни кўрсатиш орқали аниқланган сабабларни таърифлаш;

б) корпоратив бошқарув тамойилларига амал қилинишини текшириш натижалари ҳақида ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- корхона бошқарув органи томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг натижавийлиги ва унинг иштирокчилари (муассислари)нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари сақланишининг таҳлили;

- корпоратив бошқарув соҳасида қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари (таъсис ҳужжатларини сақлаш, корхона бошқарув органларининг умумий йиғилишларини ўтказиш, дивидендларнинг тўғри ажратилиши ва тўловларнинг ўз вақтидалиги кабилар) таҳлили;

с) корхонанинг молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари ҳақида ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг ўрнатилган қоидаларга амал қилинганлигини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда аниқланган қоидаларни бузиш ҳолатларини тавсифлаш;

д) солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджет ва давлат мақсадли фондларига ўз вақтида тўланганлиги ва уларга тегишли ҳисоботларни ўз муддатида тақдим этилганлигини баҳолаш;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишнинг ўрнатилган қоидаларини бузиш ва солиққа тортиладиган базани белгилашда йўл қўйилган камчиликлар мазмунини тавсифлаш;

е) корхона томонидан молия-хўжалик муомалаларини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик муомалалари қонунчиликка мослигини баҳолаш;

- ички аудит натижасида аниқланган корхона томонидан амалга оширилган муомалаларнинг қонунчиликка мослигини тавсифлаш;

ф) ички назорат ҳолатини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- корхона бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими бўйича мавжуд камчиликларни тавсифлаш;

- корхонанинг таркибий бўлинмаларида ижрочилик интизомининг ҳолати ва унинг муайян ходимлар ишидаги мавжуд камчиликлар бўйича маълумотлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари бўйича якуний маълумотлар активлар инвентаризациясига асосланиши ва уларнинг ҳаракати, мавжудлиги ҳамда бутлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек, текширув якунида текширув натижалари оралиқ ва умумий аудиторлик ҳисоботларида умумлаштирилиб, уларда хато ва камчиликларнинг мазмуни ва пайдо бўлиш сабаблари таҳлили ҳамда уларни келгусида такрорланмаслиги юзасидан амалий тавсиялар жамланма ҳисоботда акс эттирилиши керак.

Текширув натижалари бўйича жамланма ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- таҳлилий қисм;
- якуний қисм;
- тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ пакети.

Жамланма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари бўйича умумлаштирилган ахборотларни ўз ичига олиши лозим.

Ҳисоботнинг якуний қисмида қуйидагилар акс эттирилади:

- корхонанинг ижро органи ва тузилмавий бўлинмалари фаолияти натижалари таҳлили, шунингдек, унинг ликвидлик бўйича умумий баҳоси;
- ички аудит хизматининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялари, шунингдек, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни мукаммаллаштириш бўйича умумлаштирилган ахборотларини ўз ичига олиши керак.

Ҳисоботнинг якуний қисми:

- корхонанинг ижро органи ва таркибий бўлинмалари фаолияти ҳамда унинг ликвидлиги таҳлили;
- ички аудит хизматининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялари, шунингдек, корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини ошириш ва корпоратив бошқарувни мукаммаллаштириш бўйича умумлаштирилган тақлифларини ўз ичига олиши зарур.

Жамланма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун ичида тайёрланиши керак. Ҳисобот матнига қўшимча равишда бўлимлар ва бандларни қўшиш тавсия этилади.

Ички аудит ҳисоботининг кириш қисми қуйидаги реквизит ва маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- ҳисоботнинг рақами;
- бўлим, филиал ва корхона номи;
- ўтказилган текширув ҳудудининг манзили ва номи;

- ҳисобот ёзилган сана;
- ички аудит ўтказишнинг умумий режаси ёки режа-графикка мос ҳолда текширувни ўтказиш муддати;
- текширув саволларига кўрсатмалар (режалаштирилмаган текширув ҳолатида);
- текширув ўтказилганда корхона фаолияти даври;
- текширувнинг бошланиш ва якунланиш саналари;
- текширув ўтказадиган ва унда иштирок этадиган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- текширилаётган бўлим, филиал, корхона раҳбарларининг исми, фамилияси ва отасининг исми;
- бошқа зарур маълумотлар.

Ички аудит ҳисоботини тузишда ички аудит ҳужжатларида келтирилган ҳисоботлардаги жиддий бузилишлар ҳақидаги маълумотлар олинади, ҳисоботнинг ишончилигини пасайтирувчи ёки шубҳа остида қолдирувчи бузилишлар даражаси кўрсатилган ҳолда ҳисоботнинг умумий хулосаси акс эттирилади. Ички аудиторнинг фикрлари тегишли асословчи далиллар ва қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланган бўлиши лозим.

Ички аудиторнинг ҳисоботида корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги таҳлили, шунингдек, келгусидаги молиявий ҳолати бўйича фикр ва хулосалар акс эттирилган бўлиши керак.

Ички аудиторнинг ҳисоботи икки нусхада тўлдирилади, биттаси кузатув кенгашига, унинг нусхаси ва кузатув кенгаши тасдиқлагандан кейин, корхона ижрочилик органи раҳбариятига берилади. Иккинчи нусхаси ички аудит архивига топширилади.

Ҳисобот ички аудит хизмати раҳбари томонидан имзоланади. Ҳисоботнинг барча нусхалари асосий ҳужжат ҳисобланади. Филиалларнинг

кўшма текшируви натижалари бўйича ҳисоботларни аудиторлик гуруҳининг раҳбари тузади.

Филиаллар ва бутун корxonанинг молия-хўжалик фаолияти натижалари якуни бўйича таҳлилий ҳисоботлар ички аудитор томонидан текширув давомида тузилган чорак ва йиллик ҳисоботлар маълумотлари ва аудиторлик далолатномалари асосида тузилади. Корxonани бошқариш давомида юзага келадиган алоҳида масалалар бўйича таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботлар ички аудит хизмати штатидаги ҳар қандай ходим томонидан тайёрланиши мумкин.

Ўтказилган текширишлар натижалар бўйича якуний ҳужжат ички аудит хизмати раҳбари томонидан тузилиб, имзоланади ва бу текширув натижалари бўйича энг асосий ҳисобот ҳисобланади.

2.3. Ички аудит натижаларини умумлаштириш ва ҳисоботни тузиш тартиби

Аудиторлик фаолияти натижалари бўйича раҳбариятга даврий равишда ҳисоботлар тақдим этилади, унда бажарилган ишлар аудит бўлими вазифалари ва аудиторлик текширувининг календарь графиклари билан қиёсланади, харажатлар сметаси ижроси таҳлил қилинади, асосий четлашишларнинг сабаблари изоҳланади ва қандай зарурий чоралар қўллаш лозимлиги кўрсатилади.

Ички аудит хизмати ҳисоботида одатда қуйидаги маълумотлар киритилади:

- мазкур аудит мақсади ва характери;
- у қамраб олган давр;
- ихтиёрий чекловларни ўз ичига олган аудит кўлами;
- ички аудиторларнинг насл-номаси, лавозимлар, иш жойлари, аудиторнинг малакавий сеотификати мавжудлиги, ички аудит ўтказиш жараёнида мажбуриятлар кўрсатилган ҳолда ички аудит гуруҳлари таркиби;

– мазкур аудит жараёнида қўлланилган профессионал стандартлар, қарорлар, қоидалар ва методик кўрсатмалар;

– раҳбарлар, мутахассислар ҳамда бошқа текширув субъектларининг мутаносиб вазифа ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда текширув объектлари;

– мазкур аудит мақсадлари учун фойдаланилган мезонлар ва бу мезонларнинг мақбуллигига тааллуқли текширув объектининг раҳбарият билан ихтиёрий келишмовчиликлари;

– аудит яқунлари бўйича қилинган хулосалар;

– аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар (ушбу хулоса аудит яқуни бўйича тайёрланадиган барча қайдлар учун мажбурий ҳисобланмайди);

– текширув объекти раҳбарининг мулоҳазалари (агар улар берилган бўлса), жумладан текшириш натижаларида аниқланган камчиликларни ва ихтиёрий келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича режалаштирилган чоралар;

– мазкур аудит эришиши кўзланган мақсадларнинг ҳар бирига алоқадор натижалар бўйича чиқарилган хулосалар.

Ички аудит учун махсус ишлаб чиқилган ҳисобот шакли мавжуд эмас ва аудит ҳамда тафтишнинг маҳаллий ёки хориж амалиётида қўлланилаётган ҳисобот шаклларида юзаки фойдаланиш мумкин эмас.

Ички аудиторлар кўплаб ҳисоботларни аудит дастурлари бажарилиши бўйича аудиторлар ҳисоботларига асосланган ҳолда ҳамда умумий режага мувофиқликда ҳар бир аудиторлик топшириғи бўйича тузадилар, масалан:

- молиявий-хўжалик фаолияти бўйича даврий назорат доирасида филиал текшируви ҳақида ички аудит хизмати ҳисоботи;

- ташкилот ва филиаллар молиявий ва хўжалик фаолияти бўйича умумий ёки алоҳида масалалар бўйича маълумотнома ва таҳлилий ҳисоботлар, масалан, алоҳида топшириқлар: иқтисодий ва инвестицион лойиҳаларни баҳолаш,

иқтисодий хавфсизликни баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби тизими ёки умуман ички назорат тизимини баҳолаш кабилар бўйича таҳлилий ҳисоботлар;

- ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш, семинарлар ўтказиш, ходимларни танлаш ва тестдан ўтказиш (аттестация) да назорат вазифасини бажарувчи кадрлар хизматига ёрдам кўрсатиш бўйича ҳисоботлар;

- ҳисоб, солиққа тортиш, таҳлил, аудит, хўжалик қоидалари, ахборот хизмати кўрсатиш ва бошқа масалалар бўйича услубий тавсиялар, қўлланмалар ва илмий ишланмалар тайёрлаш бўйича ҳисоботлар;

- молия, солиқ, банк ёки бошқа хўжалик қонунчилиги бўйича, инвестицион фаолият, менежмент, маркетинг, солиққа тортишни оптималлаштириш, филиалларни рўйхатга олиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ҳавола қилинган ҳолда маълумотнома-ҳисоботлар ёки ёзма консултациялар;

- бухгалтерия ҳисоби (уни такомиллаштириш бўйича) ва ҳисоботлар тузишни компьютерлаштириш бўйича ҳисоботлар;

- ички аудит хизматининг ташқи аудиторлар, тафтиш комиссияси, солиқ инспекцияси ва бошқа текширувчилар билан ўзаро муносабатига оид ҳисобот.

Текшириш натижалари бўйича хулосалар: текширув объектларининг у ёки бу ҳақиқий фаолият натижаларининг тасдиқланган мезонларга мослигини тавсифлаши; аниқланган четланишларнинг тасдиқланган мезонлардан оғиш даражаси, туси ва аҳамиятини кўрсатиши; мавжуд муаммоларнинг сабабларини ва улар юзага келтириши мумкин бўлган оқибатларни аниқлаши; аниқланган муаммо ваколати доирасига кирадиган масъул мансабдор шахсларни кўрсатиши лозим.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, хулосалар салмоғи ҳисобот ва хулосаларнинг ишонарлилиги, шунингдек, уларни тайёрлашда қўлланилган мантиққа боғлиқ бўлади.

Умумий режалар ва алоҳида топшириқларни бажариш бўйича ҳисоботлар асосида ички аудит хизмати ишининг йиллик ҳисоботи тузилади ва аудит бўйича қўмига тақдим этилади. Бундай ҳисобот, шунингдек, менежерлар (назорат субъектлари) дан олинган ҳисоботлар асосида ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги ва натижаллиги баҳоланади.

Умумлашма кўринишдаги йиллик ҳисоботда нафақат камчилик ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, тавсияларда таклиф этилган чора-тадбирлар ҳаққонийлиги, балки ички аудит хизмати иш сметасини бажариш бўйича ҳисобот, унинг ишидаги чекловлар ва стратегик режа ҳамда келгуси йиллик иш режаси мазмунига тузатишлар киритиш бўйича таклифлар ҳам келтирилади.

Аудит бўйича қўмига акциядорларлар умумий йиғилиши ва директорлар кенгаши иши жараёнида ички аудит хизмати ҳамда турли даражали менежерларнинг ички аудит хизматининг стратегик иш режасига тузатишлар киритиш бўйича таклифларини муҳокама қилади. Тасдиқланган янги мақсад ва вазифалар ички аудит хизматининг стратегик иш режасига киритилади, кейин ички аудит хизмати бошлиғи янги қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш бўйича харажатларга тузатишларни тасдиқ учун тақдим этади, шунингдек, янги стратегик режа тузади.

Ҳисоботларнинг шакли ва мазмуни қуйидаги тамойилларга асосланади:

Сарлавҳа. Хулоса ёки ҳисоботга муайян “ном” – сарлавҳа бириктирилади, шу бўйича уни бошқа ахборотлардан фарқлаш мумкин (одатда ҳисобот номи умумий режа номи билан бир хил бўлади).

Имзо ва сана. Ҳисобот (хулоса) остига мутаносиб имзо қўйилади. Сана аудиторга ушбу санагача даврда маълум бўлган ҳаракатлар эътиборга олинганлигини англатади. Бошқача айтганда, ҳисобот тузиш куни эмас, балки текширув объекти ҳақида далиллар олинган сана қўйилади.

Мақсад ва кўлам. Ҳисобот аудитнинг мақсад ва вазифаларини акс эттириши лозим. Бу – назорат чора-тадбирлари вазифалари ва чегаралари ҳақида ахборотлардир.

Тўлиқлик. Молиявий топшириқлар бўйича аудит натижаларига оид хулосалар улар асосланган ҳужжатларга илова қилиниши лозим; маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги аудити натижалари ҳақида ҳисобот бундай ҳужжатларга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳисоботлар текширувчилар учун тайёрланган шаклда тақдим этилиши лозим.

Манзиллилик. Ҳисоботда у кимга жўнатилаётганлиги кўрсатилиши лозим, бу аудитни ташкил этиш ҳолати, алоҳида қоидалар ёки мавжуд амалиёт билан белгиланади. Агар расмий тасдиқланган материални жўнатиш процедураси мавжуд бўлса, бу қоида мажбурий эмас.

Текширув предмети. Ҳисоботда улар алоқадор бўлган молиявий ҳисоботлар (молиявий аудит ҳолатида) ёки соҳалар (маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги аудитида) кўрсатилиши талаб қилинади. Бу текширилаётган ташкилот номи, молиявий ҳисоботлар қамраб олган сана ва давр ва шахсан текширув предметини ўз ичига олади.

Юридик асос. Ҳисоботларда текширув ўтказиш учун асос бўладиган қонунчиликка ёки бошқа қонунга ҳавола бўлиши шарт (масалан, директорлар кенгаши қарори, тасдиқланган йиллик ёки умумий аудит режаси ва б.).

Стандарт ва йўриқномаларга мутаносиблик. Ҳисобот ва хулосаларда фойдаланувчи назорат чора-тадбирлари умумқабул қилинган процедураларга мутаносибликда ўтказилганлигини тушуниши мумкин бўлган маълумотлар келтирилиши лозим.

Ўз вақтидалик. Аудит ҳақида ҳисобот ёки маълумотномалар фойдаланувчиларга, хусусан, текшириш натижалари бўйича зарурий чораларни кўриши лозим бўлганларга максимал натижа келтириши учун қисқа муддатларда тақдим этилиши талаб қилинади.

Камчиликлар аниқланган ҳолатда текширув натижалари ҳақида ҳисоботга одатда уларни бартараф этиш бўйича зарурий чораларни қабул қилишга тааллуқли тавсиялар киритилади.

Тавсиялар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: мутаносиб хулосаларга асосланиши ва улардан келиб чиқиши; мазкур камчилик ёки муаммо мавжудлигининг асосий сабабларини бартараф этишга йўналтирилган бўлиши; шаклан аниқ, содда ва лўнда, лекин алоҳида кўриб чиқиладиган ҳолатларда тушунилиши учун етарли даражада батафсил бўлиши; аниқ чоралар қабул қилишга йўналтирилиши (улар динамик бўлиши ва мутаносиб чораларни қабул қилиш учун жавобгар ва бундай чоралар қўллашга ваколатли ташкилот, филиал ёки бўлинма манзилига жўнатилиши лозим); уйғунлик ва мазмун нуқтаи назаридан ижобий бўлиши; онгли муддатда амалда бажариладиган ва ҳуқуқий ёки бошқа чекловларни ҳисобга олувчи; иқтисодий самарали бўлиши (уларни бажариш билан боғлиқ харажатлар олинадиган фойдадан ортиб кетмаслиги) лозим. Бунда имкониятга қараб тежалган маблағлар ва потенциал фойданинг миқдорий баҳосини келтириш, агар ўлчаш мумкин бўлса, вақт ва маблағларнинг қўшимча сарфларини келтириш талаб этилади. Шунингдек, натижаларга йўналтирилган бўлиши (улар кутилган натижалар ҳақида, агар мумкин бўлса, миқдорий ўлчовларда тасаввур бериши лозим); уларнинг бажарилишига ишонч пайдо бўладиган тарзда тузилиши (масалан, қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича қандайдир чоралар қўлланилган ёки қўлланилмаганлигини аниқлаш); қилинган иш ҳақида ҳисоботга киритилган бошқа тавсияларга мутаносиблик (зид келмаслик) ва шу нуқтаи назарда кетма-кет бўлиши лозим.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда замонавий шароитларда нисбий катталиклар ниҳоятда муҳим роль ўйнайди, чунки улар жорий даврга инфляциянинг бузувчи таъсирини юмшатади. Уларнинг кенг тарқалганлиги мутлақ кўрсаткичларга нисбатан муайян афзаллиги билан

белгиланади, улар мутлақ катталиклар бўйича солиштирилмайдиган, вақт ва маконда барқарорликка эга бўлган объектларни қиёслаш имконини беради, бир жинсли вариацион қаторларни тавсифлайди. Умумэтироф этилиши мумкин бўлган молиявий барқарорликни баҳолашнинг қатъий мезонлари ҳали мавжуд эмас. Айти пайтда молиявий барқарорликни таҳлил қилиш бўйича мавжуд методикаларнинг деярли ҳаммаси коэффициентларнинг тўпламидан бошқа нарса эмас. Молиявий барқарорликни таҳлил қилишда етгита нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш керак.

Ички аудит текшируви якунида молиявий коэффициентлар таҳлил қилинади. Асосий молиявий коэффициентлар қуйидагича аниқланади:

- а) тўлов қобилияти коэффициенти= жорий активлар/жорий мажбуриятлар.
- б) молиявий мустақиллик коэффициенти=ўз маблағи манбаи/баланс жами
- в) ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти=ўз маблағи манбаи/(мажбуриятлар-узоқ муддатли мажбуриятлар
- г) асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти=асосий воситалар амортизацияси/ асосий воситаларнинг бошланғич қиймати¹⁷.

Қуйидаги жадвалда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

5-жадвал

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар, 2016 йил 31 декабр ҳолатига¹⁸

№	Коэффициентлар	Меъёр даражаси	Амалдаги ҳолат
1.	Тўлов қобилияти коэффициенти	1,25	3,83
2.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,5	0,58
3.	Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти	1,0	1,65
4.	Асосий воситалар эскириши коэффициенти	0,5	0,32

¹⁷ Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2012. -278 б.

¹⁸ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда таҳлил қилинган барча кўрсаткичлар - тўлов қобилияти коэффиценти, молиявий мустақиллик коэффиценти, ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффиценти ҳамда асосий воситалар эскириши коэффиценти меъёрга нисбатан яхши даражада эканлиги аниқланди.

Тавсияларни тайёрлашда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қўлланилиши талаб этилган чораларга нисбатан текширув субъектларининг раҳбарлари фикрини имкон қадар олдинроқ ойдинлаштириш зарур.

Кейин тавсияларни бажаришни текширишда таклиф этилган тавсиялар самарадорлиги ёки ҳатто мақбуллиги ҳақида назорат субъектлари фикри қайта аниқланади. Назорат субъектлари фикри айниқса ички аудиторлар билан келишмовчиликлар ички аудитор ишчи хужжатлари ва ҳисоботларида мажбурий равишда акс эттирилиши даркор.

Тавсиялар бажарилишини текшириш ички аудиторлар назорат субъектлари ўртасида тескари алоқаси таъминланади ва қуйидаги мақсадларда олиб борилади: аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни бажариш бўйича назорат субъектлари ҳаракатлари ўз вақтидалиги ва тизимлилигини кузатиш; аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қўлланилган чораларнинг ҳақиқий самарадорлигини баҳолаш; тавсияларни бажариш меҳнат сифими ва “ҳаражатлилигини” баҳолаш; аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган қўшимча ишлар ўтказиш ёки тавсияларнинг амалийлигини қўшимча келгуси текширувини ўтказиш заруратини аниқлаш; ушбу ҳолат ёки вақт учун татбиқ қилинаётган тавсиялар номувофиқ ёки номақбуллигига оид далиллар олиш; ички аудиторлар тавсиялари бажарилиши текшируви бўйича иш натижаларини мутаносиб ҳисоботга киритиш.

II боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 2-бобида ички аудит натижаларини умумлаштиришнинг ҳозирги амалиётига эътибор қаратилди. Ички аудит текширувлари турли шаклларда ўтказилиши мумкин: аудит қилинаётган объект жорий ҳисоботида ушбу бандни киритиш ёки махсус жорий ҳисобот шаклида тавсияларни бажариш жараёни ҳақида жорий ахборотлар негизида; текширилган ташкилотлардан олинган уларнинг бажарилишини тасдиқловчи, мутаносиб ҳужжатлар асосида, шунингдек, бевосита назорат объектларида тавсияларнинг айрим жиҳатлари бажарилишини текшириш йўли билан. Бунда ташкилот, филиаллар ва бўлинмалардаги такрорий текширувлар уларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилишни талаб қилмайди, самара пайдо бўлишининг кутилган муддати асосида график бўйича режали тартибда олиб борилади.

Ички аудиторлик текшируви тавсиялари бажарилиш жараёнини ўз ичига олган аудитнинг тўлиқ дастури бўйича қайта текшириш ўтказиш жараёнида кўпинча назорат объектини ички аудиторлар томонидан йил давомида қайта текширилиши ўз мақсадига кўра аввалги дастурлардан фарқ қилувчи аудит дастури ёрдамида амалга оширилади. Бироқ ҳатто мақсадлар мос келмаганда ҳам олдинги аудит тавсияларини бажаришни текшириш банди жорий текширув дастурига киритилиши лозим.

Тўлиқ дастурда қайта текширишни кутилаётган самара уни ўтказиш харажатларидан ортиши муқаррар ҳолатда режалаштирилиши ва олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

III БОБ. ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Халқаро талаблар асосида ички аудитни ўтказиш жараёнини такомиллаштириш

Ички назоратни ташкил этиш тизими ҳар қандай компанияни бошқариш тизимининг таркибий қисмидир. Шундай бўлишига қарамасдан XX аср охиригача ички назорат тизими (ИНТ) ни ташкиллаштириш бўйича меъёрий талаблар мавжуд эмас эди.

Ташқи аудиторларнинг виждонсиз бажарган ишлари, банкрот бўлган компаниялар ҳисоб-китоби бўйича ёлғон хулосалар билан алоқадор қатор халқаро можаролар ички аудитни ташкил этиш ва бошқа назорат шакллари муаммоларини долзарб қилиб қўймоқда.

Сарбейнс-Оксли қонуни ва АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси ёки компаниялар ҳисоботини назорат қилиш бўйича Кенгаш томонларидан чиқарилган ёки улар қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ компаниялар раҳбарияти ҳар йили молиявий ҳисоботни ички назорати самарадорлигини баҳолаши, баҳо натижалари тўғрисида ҳисобот бериши ва мустақил аудиторларни аудит баҳосини текширишга жалб этиши лозим. Бу талаблар Фонд биржалари тўғрисидаги 1934 йилги Қонунга мувофиқ, АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссиясида рўйхатга олинган акцияларга ёки қарздорлик қимматли қоғозларга эга бўлган ва акциялари америка фонд бозорларидаги савдода қатнашадиган компанияларга тааллуқлидир.

Агар компания ўз акцияларини Лондон биржасига жойлаштирадиган бўлса ҳам унга тахминан шундай талаблар қўйилади. Эмиссия қилиниши ва Лондон фонд биржаси листингига киритилиши учун компания-эмитент корпоратив бошқариш ва ички назорат соҳасидаги бир қатор талабларга жавоб бериши лозим.

Бу талаблар Корпоратив бошқаришнинг Бирлашган кодекси (*Combined Code of Corporate Governance*)да компанияни қониқтирадиган амалиётнинг энг яхши тамойиллари шаклида белгиланган. Ҳар йили компания-эмитент йиллик ҳисобот таркибида Кодекс талабларига мувофиқликни, шу жумладан муайян тамойилларнинг бажарилиш усулларини ёки бажарилмаётганлиги сабабларини очиқ беради.

XX аср охирида корпоратив молиявий салоҳиятларга маблағлар берувчи инвесторлар таваккалчиликни камайтириш эҳтиёжи АҚШда 1985 йилда қуйидаги бешта профессионал ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотларнинг иштироки ва маблағлари асосида ишончсиз молиявий ҳисобот билан курашувчи, ўзининг биринчи раис Жеймс С.Тредуэй, ёки Тредуэй Комиссияси номи билан маълум бўлган миллий комиссия ташкил этилган:

- Сертификатланган жамоат бухгалтерлари Америка институти;
- Ҳисоб-китоб ва ҳисобот бўйича Америка ассоциацияси;

COSOнинг асосий постулатларидан бири директорлар кенгаши, ҳам менежментнинг корхонанинг таваккалчиликларни ҳам ҳисобга олувчи ички назоратини яратиш ҳисобланади.

Илгари, менежмент олдида корпорация мулкдорлари қўйган мақсадларига эришишни таъминлаш вазифаси турган бўлиб, ички назорат учун алоҳида талаблар қўйилмаган. Компания қуйидаги уч мақсад бажарилишини таъминлаши лозим бўлган:

- операцияларнинг тежамлилиги ва самарадорлигини;
- молиявий ҳисобот ҳаққонийлигини;
- фаолиятнинг қонунчилик ва бошқарувчи органлар талабларига мувофиқлигини.

Эндиликда компаниялар ички назорат тизими (ИНТ)ни ишлаб чиқишда COSO методологиясига риоя қилишлари лозим бўлиб, унинг асосий талаблари қуйидаги тезисларда ифодаланган:

- ИНТ аудиторларга тушунарли бўлган шаклда хужжатлаштирилган бўлиши лозим;

- ИНТ самарали амал қилиши лозим;

- Компанияда ИНТ самарадорлигини баҳолаш амаллари доимий равишда амалга оширилиши керак.

ИНТ тафтишдан фарқли вақтинча эмас, балки доимий жараёндир. Тафтиш йилига бир марта мажбурий ўтказилиши шарт, шунингдек, жамиятнинг тафтиш комиссияси ташаббуси, умумий акционерлар йиғилиши қарори билан, кузатув кенгаши ёки 10%дан ортиқ акцияларга эга акционер талаби билан ўтказилиши мумкин. Ички назорат тизимининг йўқлиги, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини фақат тафтиш комиссияси томонидан йилига бир марта ёки аудит чегарасида текширишга олиб келади. Бу эса мулкдорларга маълумот камлигини билдиради. Бу эса қўйилган мақсадлардан оғишишга олиб келади. Шунинг учун ҳам қонунчилик талабларидан қатъий назар корхоналар ИНТни яратишга ҳаракат қиладилар.

ИНТни ўрганиш ва таҳлил қилишга доир аудитор мажбуриятлари янги ХАСларида янгича талқин қилинди. Қуйида эски 400 ХАС ва 12 АФМСда, шунингдек янги ISA 315да ички назорат тизимига қандай таъриф берилганини кўриб чиқамиз (6-жадвал).

COSO тамойиллари 2001 йилда пайдо бўлган халқаро аудиторлик стандартлари (ХАС)ни янги нашрига асос бўлди. Гап шундаки, аудиторларга қўйиладиган талаблар кучайишига ғарбдаги аудиторларнинг бирламчи реакцияси, аудиторлик хизматлари нархини оширишдан иборат бўлди. Аудиторлик хизмати нархларидаги ўзгаришларни камайтириш, шунингдек, аудиторлик хизматини иш сифатига таъсир қилмасдан хизмат ҳақини камайтириш учун ҳам стандартларга ўзгартириш керак бўлиб қолди.

ХАСни янги таҳририни ишлаб чиқиш корхона молиявий-хўжалик фаолиятини назорат муҳитини ва мавжуд таваккалчилик оғишишларини

ҳисобга олишни тақозо этди. Халқаро бухгалтерлар федерацияси бу ХАСларини 2004 йил 15 декабрдан бошланган ҳисобот даври учун киритди. Бу ХАСларинг киритилиши деярли бошқа барча ХАСларига қўшимча ва тузатишларни киритилишига сабаб бўлди.

6-жадвал

Ички назорат тизимининг таркибий қисмлари ва таърифнинг таққосланиши¹⁹

Стандарт номи	ХАС 400 “Таваккалчиликка баҳо бериш ва ички назорат” (2005 йилдан бери тадбиқ этилмайд)	АФМС №12 “Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш”	ISA 315 “Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганиш ҳамда таваккалчиликни баҳолаш
Стандартда берилган ички назорат тизими (ИНТ) таърифи	“Ички назорат тизими” – бу тартибли ва самарадорли фаолият юритиш, жумладан субъект сиёсатига риоя қилиш, активлар бутлигини таъминлаш, товламачилик ва хатоларни олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқ бўлиши ҳамда ўз вақтида ишончли молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган, амалда мумкин бўлган кўламда, субъект раҳбариятининг мақсадга эришиш учун ёрдам берадиган, субъект раҳбарияти томонидан қабул қилинган барча муолажалар ва сиёсат.	Ички назорат тизими - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб хужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндиси.	Ички назорат – бу жараён бўлиб, молиявий ҳисоботни ишончлигини, самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида раҳбарлик ваколатига эга бўлган шахсларни ушбу ишга жалб қилинишдир. Шундай қилиб, ички назорат тизими маълум бир мақсадларга эришиш учун тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бизнес-таваккалчиликларни олдини олади.
ИНТ таркибий қисмлари	1. Назорат муҳити 2. Назорат муолажалари	1. Бухгалтерия ҳисоби тизими 2. Назорат муҳити 3. Алоҳида назорат воситаси	1. Назорат муолажалари билан боғлиқ ахборот тизимлари 2. Назорат муҳити 3. Назорат тадбирлари 4. Аудит қилаётган шахс томонидан таваккалчиликни баҳоланаши 5. Назорат воситалари мониторинги

Кўриниб турибдики, “эски” стандартларда ИНТга биринчи навбатда, иқтисодий субъект манфаатларига йўналтирилган тадбирлар йиғиндиси сифатида қаралса, янги таҳрирда мижозларга ишончли молиявий ҳисобот

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тақдим этиш ҳамда корхона раҳбарлари томонидан бизнес-таваккалчиликларни ИНТ ёрдамида камайтириш имкониятини мавжудлигига урғу берилган.

Янги ИНТ бешта таркибий қисмдан иборатдир: илгари мавжуд бўлган таркибий қисмларнинг номлари ҳам ўзгарган. Таснифнинг бундай ўзгарганлигининг сабаби шундаки, ХАСнинг ривожланишига АҚШда қабул қилинган аудит тизими таъсир кўрсатган, зеро айнан америкалик аудиторлар томонидан ИНТ таркибий қисмларининг мазкур таснифи кўзда тутилган.

Назорат муҳити раҳбарият ва раҳбарият ваколатига эга бўлган шахсларнинг хўжалик юритувчи субъект ички назоратига ва унинг аҳамиятига нисбатан позицияларини, хабардорлик ва фаолиятларини ўз ичига олади.

Назорат муҳити ўз ичига раҳбарлик ва бошқариш вазифаларини олади ва корхонанинг ички маданиятини, унинг ходимларининг назоратга нисбатан онглилилигига таъсир этган ҳолда (аслида - control consciousness) шакллантиради. Назорат муҳити самарали ички назорат учун асос бўлиб, у интизом ва тартибни таъминлайди.

Аудит қилинаётган шахс томонидан таваккалчиликни баҳолаш жараёни бизнес-таваккалчиликларни, уларнинг эҳтимолий оқибатларини аниқлаш жараёни, шунингдек уларга бериладиган жавоб сифатида тушунилади. Молиявий ҳисобот мақсадлари учун таваккалчиликни баҳолаш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳаққоний ва ишончли молиявий ҳисоботни ўрнатилган тартибда қўлланиладиган тамойиллар асосида (яъни, мамлакатда қабул қилинган стандартлар, ёндашувларга мувофиқ - бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлар) таваккалчиликларни ва ушбу таваккалчиликларга раҳбариятнинг жавобини (реакциясини) аниқлаш;

- таваккалчиликларнинг аҳамияти тўғрисидаги тахминлар;
- тегишли номақбул оқибатларнинг юзага келиш эҳтимолини баҳолаш;
- таваккалчиликларни бошқариш учун чоралар тўғрисидаги қарорни

қабул қилиш.

Айтиб ўтиш керакки, янги ХАСларида аудит қилинаётган корхона раҳбарларига ўзининг корхонаси фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш талаби қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ХАСни тан олиш ва қабул қилиш эҳтимоли йўқ эмас. Республика жамоат аудиторлик ташкилотлари томонидан ХАСларини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам, кейинчалик Ўзбекистонда янги стандартларни тадбиқ этилиши ўз-ўзидан меъёрий-ҳуқуқий базасига ўзгартириш олиб кирилишига (масалан, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга) сабаб бўлади. Бунда корхона раҳбарига нафақат ўзининг корхонасининг ҳисоботларни тайёрлаш, солиқларни ҳисоблаш ва бошқалар, балки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш мажбурияти юклатилади. Ривожланаётган иқтисодиёт учун бу катта аҳамиятга эга.

Ахборот тизимлари корхонада содир бўлган операцияларни умумлаштириш, қайта ишлаш, киритиш каби амаллар йиғиндисидан иборат. Ахборот тизимлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- молиявий ҳисобот операциялари гуруҳи (БҲМС да бир типдаги операциялар деб аталади);

- молиявий ҳисоботга ёзиладиган, киритиладиган, қайта ишланадиган ва умумлаштириладиган қўлда ва компьютерда бажариладиган тадбирлар;

- молиявий ҳисоботга ёзиладиган, киритиладиган, қайта ишланадиган ва умумлаштиришга тегишли бўлган барча счетлар ва кўрсатилган операциялар (тасдиқланган ҳам электрон, ҳам қоғоздаги ахборотлар) бўйича ҳисоб ёзувлари;

- молиявий ҳисобот учун мавжуд операция гуруҳларидан ташқари ахборот тизими ҳодиса ва ҳолатларни қай тарзда сақлаши (аслида, capture – тутмоқ, ушламоқ) яхши тизим фақатгина аниқ операциялар – пул маблағларини қабул қилиш ва тўлаш, моддий қийматликларни қабул қилиш ва топшириш, балки кам

сезиларли операциялар – турли хилдаги қайта баҳолашлар, аффилиланган шахслар билан ҳисоблашувлар, ҳисобот санасидан кейинги ҳолатлар ва бошқалар) ҳақида ахборот;

- молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни, шу жумладан, зарур ахборотни очиш учун ҳаракатлар.

Назорат тадбирлари - бу раҳбариятнинг фармойишлари бажарилишига ишонч ҳосил қилиш мақсадидаги сиёсат ва тадбирлар. Назорат тадбирлари (бухгалтерия ҳисобининг компьютерлашган тизими ёки қўл ёрдамида) турли ҳар хил мақсадга эга бўлиб, ташкилий ва функционал босқичларда тадбиқ этилади.

Тажрибада аудит ўтказаятган шахс томонидан ҳисоботда тайёрлашда қўлланиладиган бир қанча чора-тадбирлар назорат (бошқарув) тадбирларига кириши мумкин: солиштириш, қайта текшириш, инвентаризация, ҳужжатлардаги рухсат визалари, баёнлаштириш, қайдлаш, пломбалаш ва бошқалар.

Назорат тадбирлари мониторинги деб маълум бир вақт давомида корхонадаги ИНТ сифатини баҳолаш жараёни бўлиб, бунда назорат тадбирларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларга ўз вақтида баҳо бериш ва зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш тушунилади. Назорат тадбирлари мониторинги доимий кузатув ёрдамида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида назорат тадбирлари қай даражада самарали ишлаётганига баҳо беришга имконият беради.

3.2. Ички аудитнинг йиғма ҳисоботида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш йўналишлари

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида авваламбор хўжалик субъектларини ишлаб чиқаришини айниқса амалдаги жиҳатини таҳлил қилишга алоҳида аҳамият бериш мақсадга

мувофикдир. Чунки, хўжалик юритишнинг замонавий усулларида келиб чиққан ҳолда ушбу турдаги таҳлилни ўтказишда режаларни бажаришга эмас, балки улардан тафовутларни жорий таҳлил қилишга кўпроқ эътибор берилади ва бу ишлаб чиқариш фаолиятини тезкор назорат қилишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади

Текширилган бўлинмаларнинг молия-хўжалик фаолияти ҳисобидаги камчиликлар бартараф этилганда ва моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилиш таъминланганда, текширув яқунланган ҳисобланади.

Текширувнинг бориши давомида аниқланган ва бўлинмалар фаолиятида жиддий ўзгаришларни талаб қилмайдиган ва бўлинма раҳбари ваколатига кирувчи ўзгаришларни текширув давомида бартараф этиш зарур. Текширув жараёнида уларнинг бартараф этилганлиги ҳисоботда тегишли ёзувлар қилинади.

Агар текширувда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корхонанинг ички ҳужжатларидаги хатоликлар, камомадлар, пул маблағлари ёки моддий бойликларнинг ўғирланиши каби ҳолатлар корхона бухгалтерия ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилишини ва йўқотишларни қоплашни талаб қилувчи солиқ қонунчилигининг бузилиши аниқланса (яъни айбдор шахсларни ишдан четлаштириш ва улардан келтирилган зарарни қоплатиш учун асос бўлса), текширув материаллари корхона раҳбариятига берилади.

Текширув натижаларига асосан қуйидаги ҳужжатларни ўрганиши лозим:

- текширув далолатномаси ва унда келтирилган зарарларни тасдиқловчи ҳужжатлар иловалари;
- келтирилган зарарлар бўйича мансабдор шахснинг тушунтириш хатлари;
- текширув материалларидаги ёзувларнинг тўғрилиги ва келтирилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- корхона раҳбари ва бош бухгалтери рухсати билан амалга оширилган муомалалар бўйича камчиликларни ҳисоблаш;

- моддий жавобгар шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси ва уларни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқлар.

Келтирилган моддий зарарлар миқдори бозор қиймати бўйича белгиланади. Текширув ҳужжатларида инвентаризация ёки бошқа усуллар билан аниқланган зарар миқдори келтирилиб, уни қоплаш бўйича чоралар зудлик билан кўрилиши зарур.

Корхона мансабдор шахслари ички аудит жараёнида аниқланган камомадлар бўйича масъул шахсларни ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Текширув натижасида аниқланган камомадлар айбдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда қопланиши ҳам мумкин.

Зарар ва унинг миқдорини тасдиқлаш учун аризага (баённомага) қуйидагилар қўшимча қилиниши керак: аудиторлик текшируви ёки инвентаризация далолатномалари, солиштириш-таққослаш қайдномалари, юк хатлари, счёта-фактуралар, моддий қийматликларнинг бузилганлиги бўйича тўпланган далиллар, етказилган зарар миқдори ҳақидаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари, моддий жавобгар шахслар билан тузилган шартнома нусхалари, иш даври ҳақида маълумотнома, тушунтиришлар, қарзни ихтиёрий қопланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар.

Бузилишлар ва суистеъмолчиликлар акс эттирилган ҳужжатларнинг сақланиши бўйича зарур чоралар кўрилиши лозим. Бунинг учун, улар текширув жараёнида ҳам, унинг тугаши жараёнида ҳам олиб қўйилиши мумкин.

Биринчи навбатда, тузатишга уриниш излари бўлган рақам ва матн ўзгартирилган ҳамда нотўғри ва (ёки) сохта маълумотлар акс эттирилган ҳужжатлар далил сифатида олиб қўйилади. Бу ҳужжатларга бирон-бир белги қўйиш мумкин эмас.

Корхонага келтирилган моддий зарарни қоплаш бўйича ҳам чоралар кўрилиши лозим. Бу ишлар, улар аниқланиши биланоқ, корхонанинг юридик хизмати бўлими томонидан амалга оширилиши керак. Моддий зарарни қоплаш

учун қуйидаги жиҳатларга асосий эътибор қаратилиши зарур: бевосита ҳақиқий зарарларнинг мавжудлиги, ходимнинг айбини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва ходимни моддий жавобгарликка тортиш муддатларига амал қилинганлиги ва жавобгарлик турининг тўғри танланганлиги (тўлиқ ёки чекланган).

Моддий зарарни қоплаш барча тўланган жарималар, неустойкалар ва бошқа чекловлар бўйича амалга оширилади. Бунда маъмурият мулкӣ жавобгарликни қонунчиликка мос равишда аниқ айбдор шахсга юклаши лозим.

Текширувлар самарасини ошириш мақсадида унинг натижаларини корхонанинг муассислари, раҳбарият ва жавобгар ходимлари билан муҳокама қилиши мақсадга мувофиқдир. Зарурат туғилганда корхона мулкининг бутлиги ҳақидаги масалалар корхона ходимлари билан муҳокама қилинади, уларнинг таклифлари ташкилий-техник тадбирлар режасига киритилади, аниқланган камчиликларни бартараф етиш бўйича чора-тадбирлар режалари тасдиқланади.

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳужжатлари, текширишни ташкил этиш бўйича корхона раҳбари буйруғи, иловалар, текшириш бўйича бошқа ҳужжатлар ва кўрилган чоралар рўйхати аудиторлик текширувини тайинлаган мансабдор шахсга кўриб чиқиш учун берилади.

Буйруқ лойиҳасининг қайд этиладиган қисмида маълумотлар қуйидаги изчилликда жойлаштирилади:

- молия - хўжалик фаолияти натижалари ва текширилган бўлим фаолиятини яхшилаш бўйича ўтказилган тадбирлар қисқача санаб ўтилади;
- текширилган бўлим фаолияти бўйича маълум чоралар кўрмаслик оқибатида юзага келган камчиликлар кўрсатилади;
- қандай қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги, қандай камчиликларга, ўғирликларга йўл кўйилганлиги, аниқланган камчиликлар ва етказилган зарарлар санаб ўтилади;

• текширув давомида аниқланган ва текширув маълумотномасида кўрсатилган жиддий бузилиш фактлари санаб ўтилади.

Буйруқ лойиҳасининг қарор қисмида:

• бўлим (филиал) ва унинг раҳбари фаолиятини баҳолаш;
• моддий жавобгар шахсга нисбатан улар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва хатоликларни келгусида такрорланмаслиги юзасидан таклифларни баён қилиш;

• аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва текширилган бўлим фаолиятини яхшилашга йўналтирилган таклифлар. Таклифлар аниқ, асосланган, моҳияти ва муддатига кўра реал бўлиши лозим;

• аниқланган бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш учун масъул мансабдор шахсларни ва уларни бартараф этиш муддатларини аниқ кўрсатиш лозим.

Ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар самарадорлиги таъминланиши лозим. Буйруқнинг бажарилиши юзасидан назорат текширилган бўлим раҳбарининг ҳисоботлари таҳлили ва ҳужжатли текширувлар ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ва унинг ижроси назоратини таъминлаш мақсадида корхоналарда ички аудиторлик хизмати бўйича қабул қилинган чоралар китобини юритилади.

Китобга қуйидаги графалар киритилади:

- текширув ўтказилган бўлимнинг номи;
- текширувнинг ташкилий усуллари;
- текширув ҳақидаги ҳисобот ҳужжатининг санаси;
- текширув натижалари бўйича буйруқ санаси;
- буйруқ рақами;

- текширув натижалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ахборот бериш муддатлари;

- буйруқ бажарилганлиги ҳақидаги ҳисобот санаси;

- моддий қийматликларга етказилган зарар миқдори;

- тикланган пул маблағлари ва моддий қимматликлар миқдори;

- айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилган зарар миқдори;

- қўшимча ажратилган ва бюджетга киритилган тўловлар суммаси.

Ички аудит хизмати кейинги аудиторлик назоратида қуйидаги тадбирларни амалга оширишлари лозим:

- алоҳида бўлимларда услубий қўллаб-қувватлашларни амалга ошириш (ҳисобни юритиш, солиққа тортиш бўйича тавсиялар бериш);

- бўлимлар, корхона бухгалтерлари ва иқтисодчилари малакасини ошириш ва ўқитиш бўйича семинарлар ташкил етиш;

- жорий масалалар бўйича маслаҳатлар (консултациялар) ўтказиш;

- таҳлилий-ҳисоб ишларини автоматлаштириш бўйича маслаҳатлар бериш;

- бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими устидан самарали назоратни амалга ошириш;

- қонун ҳужжатлари ва ҳисоб сиёсати талабларига риоя қилинишини устидан назорат олиб бориш;

- корхона мулкларининг сақланиши ва ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;

- суистеъмолларни олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, моддий жавобгар ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича махсус суриштирувлар ўтказиш.

Ички аудитнинг самарадорлигини таҳлил қилиш учун сифат ва миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим. Улар ички аудит бўйича йиллик режа бажарилиши динамикаси ва ички назорат тизими бўйича лойиҳаларга

сарфланадиган харажатларни аниқлаши лозим. Бундан ташқари, кўрсаткичлар тизими буюртмачиларнинг аудитор бажарган ишидан қониққанлик даражасини баҳолашга ҳам имкон бериши лозим. Ҳар бир корхона ички назорат тизими фаолияти самарадорлиги мезонларини ўзи белгилайди. Кўрсаткичларнинг таркиби ва мақсадли аҳамиятини кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ички назорат тизими раҳбари белгилайди. Бунда асосий буюртмачилар (кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва юқори ижрочилик раҳбарияти) ички назорат тизими фаолиятини муайян кўрсаткичлар билан баҳолашлари мумкин. Бошқа томондан, ички назорат тизими раҳбари бошқараётган хизмати фаолиятини кўрсаткичларнинг катта миқдори бўйича баҳолаши мумкин. Ички аудит хизматининг самарадорлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- корхона кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилган аудиторлик текширувлари сони ва унинг бажарилиши;
- белгиланган даврда бир аудиторнинг ўтказилган аудиторлик текширувларида қатнашганлик даражаси;
- аудиторлик тавсияларининг бажарилганлик фоизи;
- такрорий аудиторлик тавсиялари сони;
- аудитнинг тавсиялари бажарилиши ҳисобидан харажатларнинг тежалиши;
- буюртмачи (мижоз)ларнинг ўтказилган текширувлардан қониққанлиги.

Ички аудит хизмати самарадорлигини доимий баҳолаш жараёни билан бир қаторда унинг иш сифатини ошириш дастури ҳам бўлиши керак. Ушбу дастур доирасида ўтказиладиган тадбирларга қуйидагилар киради:

- ички аудит сифатининг жорий назорати (мониторинги). Уни ички аудит хизматининг раҳбар ва менежерлари аудитни ўтказиш давомида ўтказадилар. Мониторинг ички аудиторлар фаолияти компания ва аудиторлик текшируви амаллари ва регламентларига мос келиши лозим. Шунингдек, у ички назорат

тизими раҳбарига аудиторларни берилган топшириқларни зарур профессионал даражада бажараётганлигига ишонч ҳосил қилишига имкон беради;

- ички аудит хизмати раҳбари ва менежерлари томонидан бир йилда камида бир марта ўтказиладиган ички баҳолаш жараёни. Унинг мақсади - ўз кучи билан ҳар бир ички аудиторни ва умуман, бутун хизматнинг фаолиятини мукаммаллаштириш учун мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир;

- ташқи баҳолаш жараёни. Уни ички аудит хизмати учун бегона бўлган ташкилотлар амалга оширади. Бу вазифани одатда обрўли ташқи консультантлар ва аудиторлар бажаради. Ташқи баҳолаш, айниқса, шуниси билан қадрлики, улар ички аудит иш сифатига “ташқаридан назар ташлаш” имконини беради. Ички аудит сифатини оширишга ёндашув комплекс амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаш жоиз. Юқорида санаб ўтилган барча тадбирларни амалга ошириш ички аудит хизмати фаолиятини кенг миқёсда мукаммаллаштиришга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича ҳисоботни тузишнинг аниқ шакли мавжуд эмас. Фикримизча, бу борада “Ички аудит текшируви бўйича ҳисобот” стандарти ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур стандарт ички аудит ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаб қўйиши керак. Ташқи аудит ҳисоботидан фарқли равишда ички аудит учун ҳисоботлар бевосита корхонанинг ўзида ишлаб чиқилган шакл бўйича тузилади. Ҳисоботларга бўлган асосий талабларга қуйидагилар киради: холислик, аниқлик, лўндалик, ишчанлик ва ўз вақтидалик. Ички аудит хизмати ҳисоботи юқорида белгиланган талаблар асосида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

III боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 3-бобида ички аудитни натижаларини умумлаштириш жараёнини ички аудитни такомиллаштириш масалаларига кенг эътибор қаратилди. Ички аудит хизмати иқтисодий субъект томонидан ташкил этилган, унинг раҳбарияти ёки мулкдорлари манфаатларига хизмат қилувчи, ички хужжатлар билан тартибга солинган бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ўрнатилган тартибга риоя қилиш устидан назорат тизими ҳамда ички назорат тизимининг фаолияти ишончилиги тушунилади. Ички аудит хизмати акциядорлик жамиятлари тузилмаси бўғинлари фаолият самарадорлиги устидан назорат усулларидан биридир.

Шундай қилиб, ички аудит хизмати фаолиятини баҳолашнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими ички аудит хизмати фаолияти билан боғлиқ харажатлар ва натижаларни ўлчашга йўналтирилган аниқ ташкиллаштирилган жараёни, шунингдек, ушбу натижаларни компания фаолияти натижаларига таъсирини баҳолашни ўзида акс этади. Самарадорликни комплекс баҳолаш натижалари ички аудит ва назоратни амалга ошириш бўйича ишларнинг асосий муаммоларининг якуний индикаторлари ҳисобланади ҳамда аниқланган оғишларни ўз вақтида тузатишга имкон беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқаришда ички аудит хизматини мукамал жорий этилиши, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини тўғри ва ишонарли юритиш, акциядорларга дивиденд тўлаш тизими, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришиши ҳамда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритишида хизмат қилади.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Маълумки, ҳар қандай фаолият маълум тамойиллар, қонун-қоидалар асосида амал қилади. Диссертацияда ички аудит тизимининг тамойиллари ишлаб чиқилди. Фикримизча, ички аудит тизимининг самарали амал қилишида қуйидаги тамойиллар асос қилиниб олиниши керак:

- ички аудитнинг аниқ мақсадга қаратилганлиги тамойили;
- ички аудит тизимининг яхлитлиги ва тўлиқлиги тамойили;
- ички аудитнинг ҳужжатларга асосланганлик тамойили;
- ахборотни автоматик тарзда қайта ишлаш тамойили;
- тезкорлик тамойили.

2. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ташкил этилиш даражасини ва корпоратив бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилигини, унинг қатнашчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини текширади ва қонун ҳужжатлари асосида юритилишини таъминлаб, унга доир тавсиялар ишлаб чиқади, бу эса бошқарув тизимининг такомиллашига олиб келади. Ички аудит хизматининг мустақиллиги ҳам шундан иборатдир. Аммо ҳозирги кунда корпоратив бошқарув тизимини, уларнинг тамойилларга риоя этишлари юзасидан бир қанча жузъий камчиликлар мавжуд. Уларни бартараф этиш учун бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда, бироқ улар ҳанузгача тўлиқ шаклланаётгани йўқ.

Бунинг учун биз акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида ички аудитнинг ташкил этилишини такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифларини билдириб ўтамыз:

- ички аудитнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида унинг ижроия органига қарам бўлмаслигини таъминлаш ва бунга амалда эришиш керак;

- ички аудит ўз текширишлари натижасини доимий равишда ошқор этиб бориши лозим, бу эса акциядорларнинг ахборотлар олишини таъминлайди;

- ички аудиторлик стандартларини ҳамда ички аудиторларнинг ахлоқий талабини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш лозим.

3. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилишини ички аудит хизмати назорат қилади ва текширади. Шунинг учун ички аудит хизматининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши бухгалтерия ҳисобини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида юритилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Диссертацияда ички аудит хизмати ҳисоботларида акс эттириладиган ахборотлар таркиби ишлаб чиқилди (Диссертациянинг 2.2-параграфи). Мазкур ахборотлар ички аудит ҳисоботларида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Ҳозирги кунда ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича ҳисоботни тузишнинг аниқ шакли мавжуд эмас. Фикримизча, бу борада “Ички аудит текшируви бўйича ҳисобот” стандарти ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур стандарт ички аудит ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаб қўйиши керак. Ташқи аудит ҳисоботидан фарқли равишда ички аудит учун ҳисоботлар бевосита корхонанинг ўзида ишлаб чиқилган шакл бўйича тузилади. Ҳисоботларга бўлган асосий талабларга қуйидагилар киради: холислик, аниқлик, лўндалик, ишчанлик ва ўз вақтидалик. Ички аудит хизмати ҳисоботи юқорида белгиланган талаблар асосида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Ички аудит хизматларини халқаро амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш, республикамиз миқёсида аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари ўртасида рақобатни кучайтириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда ва ривожланган мамлакатлар қаторида ўрин олишида асосий механизмлардан бири бўлиб хизмат қилади.

6. Ички аудит хизмати фаолияти фақат аудиторлик текширувини ўтказиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Шу боисдан диссертацияда тадқиқотчи томонидан ички аудит хизматининг фаолиятини кенгайтиришда қуйидаги қўшимча хизматларни кўрсатиш тавсия этилди:

- корхоналарда ички аудит миллий стандартини ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этиш;

- ички аудит соҳасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва илғор амалиётларни татбиқ этиш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

- компания бўлинмаларида мавжуд методологик талаблар ва ички стандартларга мутаносиблиги бўйича баҳолаш ишларини ўтказиш;

- компаниядаги ички аудит хизматларининг асосий истеъмолчилари талаблари қай даражада қондирилганлиги бўйича мустақил баҳо олиш;

- компания фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертацияда биз томонимиздан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар республикамиз акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати самарадорлигининг ошишига муҳим ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-
модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон,
176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги
Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 404-
сон.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги
Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й.,
5-6-сон, 149-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2007 й., 37-
38-сон, 378-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014
й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош
ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2013 й., 1-
сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни,
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-
модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-
модда.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон. www.lex.uz

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 Фармони. www.lex.uz

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. www.lex.uz

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ”. www.lex.uz

1.11. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи. www.lex.uz

1.12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

1.13. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.

1.14. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т.: “O`zbekiston”. 2015. -72б.

1.15. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодий-иқтисодимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -88 б.

1.16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.

1.17. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

1.18. Азизов Ш., Юлдашева С. Международный аудит. Учебное пособие. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 276 с.

1.19. Альманах Узбекистан. 2015. -Т.: Центр экономических исследований. 2016.-222 с.

1.20. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 447 с

1.21. Воронина Л. И. Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: Омега-Л, 2011. 680 с.

- 1.22. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 592 б.
- 1.23. Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А. Аудит – М.: Юрайт, 2012. 640 с.
- 1.24. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2004, 592 б.
- 1.25. Karimov A.A., Islomov F.R., Avloqulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik. –Т. “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. -380 б.
- 1.26. Коротков Э.М. Концепция менеджмента. – М.: «Дека», 1996 – 170 с.
- 1.27. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.
- 1.28. Кисилевич Т.И., Хачемизова Е.Н. Налоговый аудит в строительстве. Изд. «Финансы и статистика», 31.01.2014 г. 34-ст.
- 1.29. Кузиев И.Н., Авлоқулов А.З., Шеримбетов И.Х. Внутренний аудит. Учебное пособие-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2016. 120 стр
- 1.30. Парушина Н.В., Суворова С.П., Галкина Е.В. Международные стандарты аудита. Учебник. -М.: Инфра-М, 2014. -304 с.
- 1.31. Рогуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 с.
- 1.32. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 с.
- 1.33. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 с.
- 1.34. Сотиволдиев А.С. и др. Финансовый и управленческий учет: Учебник . – Т.: Iqtisod-Moliya, 2012. 432с.
- 1.35. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 с.
- 1.36. Суйц В.П, Ситникова В.А. Аудит: учебное пособие. - 2-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 168 с.

- 1.37. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.
- 1.38. Тютюрюков В.Н. Международные стандарты аудита. Учебник. -М.: “Дашков и К”, 2009.
- 1.39. Файзиев Ш., Каримов А. Аудит. Учебное пособие. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 328 с.
- 1.40. Федоренко Н.В. Аудит: Расширяем границы науки. Теория и методология. -М.: Инфра-М, 2016. -100 с.
- 1.41. Xasanov B.A., Xashimov B.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. –Т.: Cho`lpon nomidagi NMIU, 2013. -312 bet.
- 1.42. Xolbekov R.O. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. - Т.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 200 b.
- 1.43. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.
- 1.44. Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т: Лессон-пресс, 2016. -196 б.
- 1.45. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2012. -278 б.
- 1.46. Qo‘ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I. Ichki audit. O‘quv qo‘llanma. Т.: «Iqtisod-moliya», 2015. – 220 б.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

- 2.1. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: Монография. –Т.: Молия. 2007. -276 б.
- 2.2. Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. –Т.: Молия. 2015. -232 б.
- 2.3. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби

ва аудит. – Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2008. -168 б.

2.4. Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назарий ва методологик масалалар. Монография.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, нашриёти, 2015.-198 б.

2.5. Қўзиев И.Н. Аудиторлик текширувлари натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларини тузиш масалалари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. –Тошкент, 2015. -№4. –Б.1-9.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010-2015 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

3.2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маълумотлари

3.3. Интернет сайтлари

- <http://www.audit.uz> (Аудиторлар Палатаси сайти)

- <http://www.mf.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти)

- <http://www.uza.uz>. (Ўзбекистон ахборот агентлиги сайти)

Иловалар

1-илова

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ нинг қисқача йиллик (2016й.) бухгалтерия баланси, минг.сўм

Кўрсаткичлар номи	асосий фаолият
АКТИВ	
1. Узоқ муддатли активлар	10219731945
Асосий воситалар (бошланғич қиймати)	10527417487
эскириш суммаси	3423307367
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)	7104110120
Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)	417151
Капитал кўйилмалар	2834711892
Бошқа узоқ муддатли активлар	280492782
2. Жорий активлар	2978372713
Ишлаб чиқариш захиралари	819530511
Келгуси давр харажатлари	1366091169
Пул маблағлари	171917383
Бошқа жорий активлар	117495315
Дебиторлар, жами	503338335
шу жумладан:	
харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	163855350
бюджетга бўнақ тўловлар	7740384
Баланс активи бўйича жами	13198104658
ПАССИВ	
1. Ўз маблағлари манбалари	7745794466
Устав капитали	614384306
Резерв капитали	5737851427
Таксимланмаган фойда	507693607
бошқа манбалар	885865126
2. Мажбуриятлар	5452310192
Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар	4675490146
Бошқа мажбуриятлар	14744216
Кредиторлик қарзлар, жами	762075830
шу жумладан:	
берувчилар ва пудратчилар	219818890
бюджетга тўловлар бўйича қарз	20798130
Баланс пассиви бўйича жами	13198104658